

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимининг
давлат таълим стандартлари**

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

**5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура
мутахассислигининг давлат таълим стандарти**

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

**Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана**

Государственный образовательный стандарт высшего образования

**Государственный образовательный стандарт
специальности магистратуры 5A510101- Акушерство и гинекология**

Издание официальное

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

**5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура
мутахассислигининг давлат таълим стандарти**

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Тошкент Тиббиёт Академияси.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил «13» февраль даги 47 - сон буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

МУНДАРИЖА

| Т/р | | Бет |
|-----|--|-----|
| 1 | Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари | 1 |
| 2 | Қўлланиш соҳаси | 2 |
| 3 | Атамалар, таърифлар, қисқартмалар | 3 |
| 4 | Мутахассисликнинг тавсифи | 3 |
| 5 | <i>5510100 – Даволаш иши</i> таълим йўналиши негизидаги <i>5A510101 – Акушерлик ва гинекология</i> магистратура мутахассислигининг касбий фаолиятлари тавсифи | 4 |
| 6 | Магистрнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар | 7 |
| 7 | Магистратура таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари | 19 |
| 8 | Магистратуранинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар | 29 |
| 8.1 | Магистратуранинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар | 29 |
| 8.2 | Таълим дастурларининг татбиқ этилиши | 29 |
| 8.3 | Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар | 30 |
| 8.4 | Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари | 30 |
| 8.5 | Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар | 31 |
| 9 | Магистр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш | 31 |
| 10 | Эслатма | 32 |
| 11 | Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати | 32 |
| 12 | Илова | 33 |
| 13 | Библиографик маълумотлар | 34 |
| 14 | Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари | 35 |

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари
Олий таълимнинг давлат таълим стандарти
5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура
мутахассислигининг давлат таълим стандарти**

**Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана
Государственный образовательный стандарт высшего образования
Государственный образовательный стандарт
специальности магистратуры 5A510101 – Акушерлик ва гинекология**

**State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan
State Educational Standards of Higher Education
State Educational Standards of Masters in speciality
5A510101 – Obstetrics and gynecology**


Амал қилиш муддати « 30 » 06 201_ йилдан
« ___ » _____ 201_ йилгача

Келишилган.

1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур мутахассислик бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги ҳужжатларга асосланилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Давлат бошқарув соҳасида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4435-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 мартдаги “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 1942-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сонли қарори.



9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 341-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 199-сонли қарори.

13. РСТ Уз 1.1-92 ГСС Уз. Порядок разработки, согласования, утверждения и регистрации государственных стандартов Узбекистана.

14. O'z DSt 1.0:1998. Ўзбекистон Республикаси стандартлаш давлат тизими. Асосий қоидалар.

15. O'z DSt 1.9-95. Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Тармок стандартларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги 281-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори”.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 29 октябрда тасдиқланган 418-сонли буйруғи (“Магистратура тўғрисида Низом”, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 18 декабрда 2405-рақам билан рўйхатдан ўтган).

2. Қўлланиш соҳаси

2.1. Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) **5510100 – Даволаш иши** таълим йўналиши негизидаги **5A510101 – Акушерлик ва гинекология** мутахассислиги бўйича магистр тайёрлаш таълим дастурини ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуасини ифодалайди.

2.2. Олий таълим муассасаси мазкур мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

2.3. ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур мутахассислик ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун маъсул-олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассисликларининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- магистратура мутахассислигини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

касбий фаолият тури – уни ўзгартириш, унга ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

компетенция – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

модуль – тарбиялаш, ўқитишга ўрнатилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

мутахассислик – муайян касб доирасида тор меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган билимлар ва кўникмалар мажмуи;

касбий фаолият объекти – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

касбий фаолият соҳаси – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

магистратура – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълим;

магистратуранинг таълим дастури (магистратура дастури) – ўқув фанларининг магистратура мутахассисликларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати;

профил – таълим дастурининг касбий фаолиятнинг муайян тури ёки объектига йўналтирилганлиги;

ўқиб-ўрганиш натижалари – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар ва эгалланган компетенциялар;

ўқув цикли – мос илмий ёки касбий фаолият соҳасида билимлар ва амалий малакаларни ўзлаштириш ва компетенцияларни шакллантиришни таъминловчи таълим дастурларидаги фанларнинг бир қисми.

ДТС – давлат таълим стандарти;

АРМ – ахборот ресурс маркази;

ИТИ – илмий-тадқиқот институтлари;

ОТМ – олий таълим муассасаси.

4. Мутахассисликнинг тавсифи

4.1. 5510100 – Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги **5A510101 – Акушерлик ва гинекология** мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

4.2. Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси

| Таълим дастурининг номи | Малака (даража) | Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|----------------------------------|-----------------|---|
| Мутахассисликнинг таълим дастури | Магистр | 3 йил |

5. 5510100 - Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги 5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислигининг касбий фаолиятлари тавсифи

5.1. Магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари

5510100 – Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги 5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари:

олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида тиббиётга оид махсус фанларни ўқитиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий-тадқиқот институтлари, илмий-тиббий марказларида ҳомиладорлик патологик ҳолатлари, гинекологик касалликларнинг тарқалишини ва кечишини ўрганиш, эрта ташхислаш, даволаш, аҳоли ўртасида гинекологик касалликларнинг тарқалишини олдини олишга ва касалликларнинг кечиши бўйича башорат бера олишга қаратилган илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш;

соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш ва профилактика ташкилотларида (марказий туман, шаҳар, вилоят, республика шифохоналари акушерлик ва гинекология бўлимларида, кўп тармоқли марказий шаҳар поликлиникалари, тез ва шошилиш тиббий ёрдам марказлари ва станциялари, она ва болаликни ҳимоя қилиш ташкилотлари, санатор-курорт ташкилотлари) ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларида кенг фойдаланган ҳолда беморларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш;

акушерлик ва гинекология соҳасидаги тиббий-ижтимоий вазифаларни бажариш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўгинларида акушерлик ва гинекология соҳасида комплекс масалаларни ечишни ўз ичига олади.

5.2. Магистрлар касбий фаолиятининг объектлари

5510100 – Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги 5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг объектлари:

- соғлиқни сақлаш тизимидаги жараёнлар, соғлиқни сақлаш тизимида тегишли дастурлар, стандартлар, илмий мақолалар, тезислар, илмий-тадқиқот ишлари, меъёрий хужжатлар, маълумотномалар, ҳисоботлар;

- тиббиёт асбоб-ускуналари, дори воситалари, муолажалар, ресурслар, воситалар, усул ва услублар мажмуаси;

- жамият, аҳоли, оила, беморлар, тиббий ёрдамга муҳтож қариялар, катталар ва болалар, аёллар ва эркаклар;

- соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш ва профилактика бўйича давлат ва хусусий муассасалар, вилоят, шаҳар, туман даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари ва масъул шахслар;

- илмий-тадқиқот ва илмий-ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлари, тиббий ёрдам хизматларига эга бўлган хусусийлиги исталган шаклда бўлган ишлаб чиқариш бирлашмаларида амалга ошириладиган чора-тадбирлар;

- илмий тадқиқот жараёни;
- ўқув жараёни.

5.3. Магистр касбий фаолиятининг турлари

5510100 – Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги 5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг турлари:

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- даволаш ва профилактика фаолияти;
- тиббий-ижтимоий фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);
- консалтинг хизмати фаолиятини ўз ичига олади.

Магистр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда ОТМ томонидан аниқланади.

5.4. Магистрлар касбий фаолиятининг вазифалари

5510100 – Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги 5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича тайёрланган магистр магистратуранинг таълим дастурига кўра соҳавий мутахассислигига мос касбий фаолиятида қуйидаги вазифаларни бажаришга тайёр бўлиши керак:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиши;
- касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказиши;
- ўтказилган текширувлар, уларнинг натижаларини таҳлил қилишда янги технологияларни излаш ва ишлаб чиқиши, умумлаштириши ҳамда амалиётга татбиқ қилиши;
- касалликларни тарқалганлигини баҳолаш ва эҳтимоллик омилларини аниқлаш бўйича эпидемиологик текширувларни амалга ошириши ҳамда уларнинг даражасини пасайтириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиши;
- намунавий услубиётлар ва бошқалар бўйича экспериментал ва клиник тадқиқотларни ўтказиши ва уларнинг натижаларига ишлов бериши;
- илмий-амалий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиши;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларни тузиши;
- илмий семинарлар, илмий-амалий конференцияларда иштирок этиши;
- илмий-амалий тиббий мавзулар бўйича тиббиётга оид журналларга мақолалар тайёрлаш лозим.

Даволаш ва профилактика фаолиятида:

- соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида ҳомиладор аёлларда патологик ҳолатларни, экстрагенитал ва гинекологик касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика ишларини олиб бориши;
- касалхона, клиника, диспансер, тиббий марказларнинг қабул бўлимлари, акушерлик ва гинекология бўлимларида даволаш ва профилактика ишларини олиб бориши;
- хусусий тиббиёт муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатиши;
- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиши, ҳомиладор аёлларда патологик ҳолатларни ва гинекологик касалликларни эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш;
- даволаш-профилактика фаолиятида илғор, замонавий технологияларни жорий этиши;

- аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустахкамлаш, ҳамда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш;

- гинекологик касалликларни профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш бўйича тўлиқ ҳажмдаги зарурий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали магистр сифатида мустақил амалий фаолиятни амалга ошириши лозим.

Тиббий-ижтимоий хизмат фаолиятида:

- ижтимоий соҳа ҳимоя органлари ва раҳм-шафқат хизматлари билан ҳамкорликда оила ва алоҳида аҳоли гуруҳларига тиббий-ижтимоий, демографик ва психологик таҳдид факторларини ҳисобга олган ҳолда хизмат турларини ташкиллаштириши ва хизмат кўрсатиши;

- аҳоли ўртасида жисмоний, тиббий-ижтимоий ва психологик нуфузни тиклаши лозим.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи ва иккиламчи бўгинининг даволаш-профилактика муассасаларида ишни ташкиллаштириши ва бошқариши;

- меҳнат, моддий ва ахборот ресурсларининг рационал бошқарувини таъминлаши, бошқарувни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларига мос тарзда такомиллаштириши;

- аҳоли соғлиғи ҳолатининг асосий кўрсаткичларини режалаштириши, таҳлил қилиши ва ҳисобот тайёрлаши лозим.

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятида (ўрнатилган тартибда):

- ўқув фанларини ўқитиш услубиётини эгаллаши;

- электрон ўқитиш усулларини эгаллаши;

- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиши;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиши;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиши, тайёрлаши ва расмийлаштириши;

- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиши;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши;

- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиши лозим.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- акушерлик ва гинекология соҳасида мутахассисликлар бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиши;

- акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистр тайёрлаш ихтисослигига мос бўлган мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиши;

- тайёргарлик ихтисослигига мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиши лозим.

5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари:

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тармоқ ИТИларда қатта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

6. Магистрнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

6.1. 5510100 - Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги 5A510101- Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

а) умумий талаблар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий гоёнинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош гоёсининг моҳиятини ҳамда унинг асосий гоёлар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;
- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий-тадқиқотларда фойдалана олиши;
- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллаш олиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини хис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, услубларни таснифлаш, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида хорижий тиллардан бирини эгаллаган бўлиши;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаши; ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашув шаклланган бўлиши;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;
- патент олиш учун меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

б) касбий талаблар:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;

- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Даволаш ва профилактик фаолиятида:

- аҳоли ўртасида ҳомилдор аёлларда патологик ҳолатларни, экстрагенитал ва гинекологик касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда даволаш қобилиятига эга бўлиши;

- ҳомилдор аёлларда патологик ҳолатларда ва гинекологик касалликларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган тўла ҳажмдаги кўникмага эга бўлган юқори малакали мутахассис сифатида мустақил амалий фаолият кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши;

- гинекологик касалликларнинг тарқалишини олидини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Тиббий-ижтимоий фаолиятида:

оила ва алоҳида аҳоли гуруҳлари ўртасида инсон саломатлигига таъсир қилувчи ижтимоий-гигиеник, ижтимоий-психологик омилларни аниқлаши ва хавф омилларини бартараф қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- соғлиқни сақлаш тизимида тиббий жамоаларни бошқаришни илмий ва амалий асосда ташкил қила билиши;

- ахборот ва замонавий педагогик технологияларни эгаллаган бўлиши;

- узлуксиз таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш (ўқув персонали), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва тадбиқ этиш бўйича гуруҳларни бошқариши лозим.

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):

- олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўқув фанларини ўқитиш услубиётини эгаллаши;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш қобилиятига эга бўлиши;

- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятига эга бўлиши;

- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;

- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- мутахассисликлар бўйича соғлиқни сақлаш тизимлари соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

6.2. Таълим дастурлари бўйича магистрларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар**6.2.1. Умумметодологик фанлар блоки бўйича магистрларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар:****Умумметодологик фанлар блоки бўйича умумий талаблар:**

- миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси бўйича билимларга эга бўлиши;

- инсониятнинг глобал муаммолари, маънавий ҳаёт, жамият ва шахс эҳтиёжлари, таълимнинг инсонпарварлик руҳи; замонавий цивилизация ва унинг тараққиёт йўналишлари, ахборот тизимлари ва билимларни тақдим этиш усуллари тўғрисидаги тасаввурни шакллантириши;

- илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш уқув ва кўникмаларни шакллантириши, тадқиқ этиладиган мавзулар бўйича мунтазам равишда мустақил таҳлил ва ҳулосани тайёрлаши;

- илмий-тадқиқот методологияси, илмий-тадқиқотлар асослари, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, қонунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва инкор қилиш усуллари, патентшунослик, лицензия, сертификатлаштириш тушунчаларига шунингдек, нутқ маданияти асослари билимларига, педагогик технологияларга доир билимлар ва педагогик маҳоратни эгаллаши;

- амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштириши керак.

6.2.1.1. Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси фани бўйича**Магистр:**

- гоёларни ҳаракатлантирувчи мотивлар ва механизмлар;

- миллий ғояда ворисийликнинг намоён бўлиши;

- миллий ғоянинг ижтимоий негизлари;

- ғоявий ва мафқуравий муносабатларни мувофиқлаштириш омиллари;

- миллий ғояда назария ва амалиётнинг уйғунлиги;

- миллий ғоя давлат ва жамият қурилишининг назарий асоси;

- ижтимоий тизим тушунчаси, мазмун моҳияти ва уни шакллантириш омиллари;

- ижтимоий сиёсат ва Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тизимини такомиллаштириш стратегияси;

- миллий ғоя ва мулкчилик шакллариининг ўзаро боғлиқлиги *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- миллий ғоянинг Ўзбекистон ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий стратегияси билан боғлиқлигини;

- ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини ва уларнинг миллий ғояда акс этишини;

- миллий ғоя назарияси ва амалиётининг уйғунлашуви жараёнларини;

- давлатчиликни шакллантиришда миллий ғоянинг назарий асосини;

- глобал инқирозлар шароитида миллий ғояга эҳтиёжнинг ошиб бориши сабабларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- миллий ғоя ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг боғлиқлигини ва унинг асосий мақсадларини англаш;

- фан ва таълим интеграциясининг иқтисодий ривожланишга таъсирини баҳолай олиш;

- ўзбек моделининг ўзиға хос хусусиятларини ҳамда ғоявий таълим-тарбия тамойилларини тарғиб қила олиш *кўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.1.2. Илмий-тадқиқот методологияси фани бўйича**Магистр:**

- фаннинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида билим, фаолият ижтимоий институт ва илмий-тадқиқотнинг бошланғич асоси билим эканлиги, илмий-тадқиқот олиб боришнинг методологик асослари, зарурий шартлари, илмий изланишга хос асосий тушунчалар;

- илмий-тадқиқотнинг мантикий тузилмаси, мавзуни танлаш босқичлари, тадқиқот режасини тузиш, илмий билишда умумий ва хусусий услублар, илмий-услубий адабиётлардан фойдаланиш, фаннинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-тадқиқотнинг амал килиш механизмлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- тадқиқот тузилмаси, илмий-тадқиқотнинг методологик тамойилларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хулосаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини билиши ва улар бўйича лойиҳалар туза олиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.1.3. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат фани бўйича**Магистр:**

- педагогик технология тушунчасининг илмий асослари;

- педагогик технология категория ва тамойиллари;

- педагогик маҳорат ва унинг таркибий қисмлари;

- ўқув жараёнини ташкил этишга қўйиладиган замонавий талаблар;

- таълим олувчи шахс, таълим жараёнида шахс сифатларининг намоён бўлиши;

- педагогик технологияларнинг таснифи ва асосий жиҳатлари;

- таълим жараёнини технологиялаштириш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- шахс маънавий-ахлоқий сифатларини фаол шаклланишини;

- педагогик технологияларнинг тамойиллари билан боғлиқликда кейинги амалий фаолиятда таълим жараёнини педагогик жиҳатдан яхлит тарзда ташкил этиш ва амалга оширишни;

- таълимга технологик ёндашув, ўқув мақсадларини аниқлаштириш, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириш ва ташкил этишни;

- таълим олувчи шахснинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши, таълим жараёнининг “жонли”, ижодий ташкил этишга ёрдам берувчи таълимнинг интерфаол услубларини;

- педагогнинг креатив функциясини;

- педагогик артистизмни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- аудиторияни бошқара олиш, диққатни тўғри тақсимлаш, нафас олиш ва овоз тембрини мослаш;

- инновацион фаолиятни ташкил этиш;

- илгор тажрибалардан фойдаланиш;

- педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш;

- педагогик низоларни бартараф этиш;

- ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш;

- илгор педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллай олиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.1.4. Амалий хорижий тил фани бўйича**Магистр:**

- тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган касбий мулоқот меъёрларига мувофиқ тарзда нутқий муомала ва одоб-ахлоқ (этикет) қоидалари;

- коммуникатив вазиятда дискурс танлай олиш;

- тил шакллари нутқ мазмуни бўйича коммуникатив вазиятлар доирасида касбий матнга мувофиқ тарзда қўллаш ва ўзгартири олиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- амалий хорижий тилнинг ривож ва тил доирасидаги асосий экстралингвистик шаклланишнинг факторлари ҳамда тарихий манбалари, унинг диалектик хилма-хиллигини;
- тилнинг стилистик хусусиятлари ва меъёрий грамматика асосларини;
- нутқ мазмуни бўйича касбий коммуникатив вазиятлар доирасида эквивалентсиз касбий сўзлар ва уларни оғзаки ва ёзма мулоқот жараёнида эркин қўллашни;
- амалий хорижий тилда маърузалар, таклиф, хулоса ва тезислар тайёрлашни;
- маъруза нутқ, баёнот, илмий ва ихтисосликка хос тақдимотлар, сўров ва фикрларнинг моҳиятини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- кичик деталларнинг муҳим жиҳатларини синчковлик билан аниқлаш;
- ўрганилаётган чет тилидаги эълон ва хабарларни тушуниш;
- мавзу яхши таниш бўлганда ва ахборот йўналишига мос маркерлар кўрсатилаётган ҳолатда давомли маъруза ёки далилларнинг мураккаб тизимини кузатиш;
- ўз мутахассислик соҳаларига оид ёки оид бўлмаган кенг ҳажмли мураккаб матнларнинг услубий жиҳатларини фарқлаш;
- ўз мутахассислик соҳасига оид вебсайт ёки журналлардан тегишли маълумотларни ва тафсилотларни олиш;
- инсонларга нисбатан ҳурмат, бошқа маданиятга бағри кенгликни сақлаган ҳолда жамиятда қабул қилинган одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ ижтимоий ҳамкорлик ва ишончли муносабатларга кириша олиш;
- дунёда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий воқеликка ўз муносабатларини билдира олиш;
- маълум мавзу бўйича тақдимот тайёрлаш ва ўтказиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.1.5. Ахборот тизимлари фани бўйича

Магистр:

- турли соҳаларда ахборот тизимлари ва уларнинг қўлланилиши билан боғлиқ бўлган асосий тушунчалар;
- маълумотлар тури, уларни турли ҳисоблаш машиналари ва тизимлари хотираларида тасвирлаш билан боғлиқ бўлган асосий тушунчалар;
- маълумотларни қайта ишлаш алгоритмлари ҳамда турли маълумотлар тузилмалари билан ишлаш алгоритмлари;
- турли хил ахборот тизимларида рўй берадиган асосий ахборот жараёнлари;
- негиз ахборот технологиялари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- ахборот билан таъминлашни;
- ахборот тизимларининг компонентларини;
- ахборот тизимларининг тузилмасини;
- ахборот тизимларидаги жараёнларни;
- турли ахборот тизимларини *билиши ва улардан фойдалана олиш;*
- ахборот тизимларини ташкил этиш ва бошқариш;
- ахборот тизимлари иловалари ва офис иловалари билан ишлаш;
- ахборот тизимларида ахборот технологияларини қўллаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.1.6. Нутқ маданияти фани бўйича

Магистр:

- нутқ ва мантикнинг узвий алоқадорлиги;
- нотиклик тарихи;
- антик давр нотиклари;
- Шарқ мутафаккирларининг нутқ маданиятига доир қарашлари;
- машхур нотикларнинг воизлик санъати;

- замонавий ўзбек нотикларининг сўз қўллаш санъати;
- жаҳон замонавий интеллектуал оламида сўз қўллаш, нотиклик сирлари, мулоқот маданиятига дахлдор сара қарашлар, амалий йўналишлар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- нутқнинг шакллари ва хусусиятларини;
- маданий нутқнинг лисоний меъёрларини;
- маданий нутқнинг нолисоний меъёрларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- нутқнинг коммуникатив сифатли бўлишини таъминлаш;
- нутқий стратегия ва тактикани уйғунлаштириш;
- нутқни прагматик вазиятга мослаш;
- муаммоли вазиятлардан нутқий малака асосида чиқа олиш;
- ўзгалар фикрини тўғри англаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.1.7. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти фани бўйича

Магистр:

- соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти фанининг предмети, объекти ва субъекти, бошқарув мақсади ва функциялари;
- соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий ислохотлар, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари;
- соғлиқни сақлашнинг асосий тушунчалари ва тамойиллари, соғлиқни сақлашда раҳбарлик қилиш;
- менежмент, бошқарувнинг мақсади ва функциялари, бошқарув цикли: режалаштириш, ташкиллаштириш, мотивация ва назорат;
- назорат ва назорат жараёни, лидерлик, бошқарувда лидерликнинг ўрни, лидерликнинг замонавий назарияси *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- жорий режалаштириш, бизнес режалаштириш ва стратегик режалаштиришни;
- бошқарувнинг асосий усуллари, тиббиёт муассасасининг миссияси, унинг ташқи муҳитини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек раҳбарлик қилиш стилларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- соғлиқни сақлашда бошқарув жараёнини ташкил этиш, тиббиёт муассасасининг кучли ва кучсиз томонларини ўрганиш;
- меҳнат ресурсларини режалаштириш, ташкиллаштириш ва бошқариш, соғлиқни сақлашда меҳнатни сон, сифат ва самарадорлик жиҳатидан баҳолаш;
- мавжуд ўрин фондидан фойдаланиш ҳаражатлари самарадорлигини баҳолаш, даволаш муддатлари, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликни қисқариш натижасида эришилган иқтисодий самарани ҳисоблаш *қўникмаларга эга бўлиши керак.*

6.2.2. Мутахассислик фанлар блоки бўйича магистрларнинг билим, малака ва қўникмаларига қўйиладиган талаблар:

Мутахассислик фанлари блоки бўйича умумий талаблар:

- муайян мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимларни, уқув ва қўникмаларни шакллантириши;
- мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдалана олиш қўникмаларини ривожлантириши;
- магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий уқув ва қўникмаларни таъминлаши керак.

6.2.2.1. Акушерлик фани бўйича

Магистр:

- аёлнинг жинсий тизимининг функционал-структур тузилиши;
- акушерлик ва перинатология замонавий функционал диагностика усуллари;
- физиологик ҳомиладорликдаги ўзгаришлар ва фетоплацентар тизим тузилиши;
- она– йўлдош – ҳомила функционал тизимининг ривожланиш босқичлари;

- онтогенезнинг қалтис даврлари;
- хомиладорликда организмдаги физиологик ўзгаришлар;
- туғруқ бошланиши сабаблари;
- чақалоқлар инфекциялари;
- чақалоқларда туғруқ жароҳатлари;
- гамеопатиялар;
- эмбриопатиялар;
- фетопатиялар, шунингдек антенатал, интранатал;
- неонатопатиялар;
- хомиладорлар эрта токсикози шакллари;
- хомиладорлардаги гипертензив ҳолатлар, преэклампсия ва эклампсия;
- хомиладорлардаги гипертензив ҳолатлар: замонавий терминология, этиология, патогенез, клиника;
- хомиладорлик ва экстрагенитал касалликлар (ЭГК) фон патологиялари;
- одам иммун танқислиги синдроми (ОИТС);
- туғруқ фаолиятининг нуқсони ва туғруқни фаол олиб бориш усуллари;
- хомиладорлик ва айрим акушерлик асоратлари ва ҳолатларида туғруқнинг кечиши;
- туғруқдан кейинги инфекция касалликлар ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- хомиладорлик ва туғруқ вақтидаги асоратлар ривожланиши омилларини;
- хомиланинг юрак фаолиятини баҳолаш усуллари;
- гормонал текширув усуллари;
- кольпоцитологияни;
- эндоскопик текширув усуллари;
- иммунологик текширувларни;
- туғруқнинг бошланишини ташхислаш, унинг клиник кечишини;
- хомила боши билан келганда туғруқ биомеханизмини;
- туғруқдан кейинги давр физиологияси, клиник кечишини;
- хомила ўсиши мониторинги, хомила нуқсонларини скринингини;
- физиологик хомиладорлик ва туғруқ даврида хомила ҳолати ва акушерлик хавфни баҳолашни;
- хомила гипоксияси ва дистресси, чақалоқ асфиксияси, диагностика усуллари ва даволан-принциплари, чақалоқ реанимацияси тамойилларини;
- хомила ривожланиш нуқсонлари ва ўсишдан орқада қолиш синдромини;
- хомила ва чақалоқларда Rh-антиген ва АВ0 тизим бўйича гемолитик касаллигини;
- перинатал хавф омилларини;
- эрта токсикозлар этиологияси ва патогенезини;
- кўп ва кам учрайдиган эрта токсикозлар клиникасини;
- хомиладорлар қусишининг комплекс терапиясини;
- кам учрайдиган токсикозларни даволашни;
- хомиладорлардаги гипертензив ҳолатларни замонавий ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари;
- преэклампсия турлари ва эклампсияни;
- тарқалган томир ичи қон ивиш (ТТИҚИ) синдроми, HELLP-синдром, хомиладорлар жигар ёғли гепатозини;
- юрак, қон – томир касалликларда хомиладорликнинг кечиши: орттирилган ва туғма юрак нуқсони, гипертония касаллиги, артериал гипотензия, варикоз касаллиги; хомиладорликни олиб бориш ва кузатиш тамойиллари, муддатидан олдин хомиладорликни тўхтатишга кўрсатма, туғдиришда акушерлик тактикасини танлашни;
- жигар ва буйрак касалликларида хомиладорликни кечиши ва туғруқни олиб боришни;
- қандли диабет, қалқонсимон без касалликларида ва семизликда хомиладорликнинг

- кечиши ва туғруқни олиб боришни;
- бронхиал астамада ҳомиладорликнинг кечиши ва туғруқни олиб боришни;
 - ҳомиладорлик ва ўткир қоринни;
 - ҳомилани кўтара олмаслик турлари ҳақида ва уларни даволаш усулларини;
 - ҳомилани кўтара олмаслик этиопатогенезини;
 - ҳомиланинг ўз-ўзидан тушишини ташхислаш, таснифи ва даволашни;
 - муддатидан олдинги туғруқни ташхислаш ва клиник кечишини;
 - муддатидан олдинги туғруқ хавфини консерватив даволашни (гормонал, простагландин ингибиторлари ва бошқалар);
 - истмико-цервикал етишмовчиликни жарроҳлик усули билан даволашни;
 - муддатидан олдинги туғруқни консерватив олиб боришни;
 - муддатига етмаган ҳомиладорликда кесар кесишни;
 - онадан ҳомилага ВИЧ (ОВИ) инфекция трансмиссиясини;
 - антиретровирусли терапияни;
 - одам иммун танқислиги вируси (ОИТВ) инфекциясида тугдириш усулларини;
 - онадан ҳомилага ўтувчи ОИТВ инфекциялар профилактикасини;
 - тиббий ходимларга ОИТВ инфекция ўтишининг олдини олиш чора-тадбирларини;
 - акушерликда қон кетиш сабабларини;
 - нормал жойлашган йўлдошнинг барвақт кўчиши (НЖЙБК) ва йўлдошнинг олдинда келишининг клиникаси, ташхислаш, акушерлик тактикаси ва профилактикасини;
 - йўлдошнинг бирикиш нуқсонларини;
 - йўлдошнинг қаттиқ бирикиши ва ўсиб киришининг клиникаси, ташхислаш ва акушерлик тактикасини;
 - йўлдош қисмлари ушланиб қолиши ёки ажралган йўлдошнинг қисилиб қолишининг клиникаси, ташхислаш ва даволаш тактикасини;
 - гипо- ва атоник қон кетишининг клиникаси, ташхислаш ва даволашни;
 - акушерликда геморрагик шокни даволашни;
 - ташқи жинсий аъзолар, оралик, қин ва бачадон бўйни жароҳатининг сабаблари, ташхислаш ва даволашни;
 - бачадон ёрилишининг сабаблари, ташхислаш, қиёсий ташхислаш, даволашни;
 - бачадон ёрилишини жарроҳлик усули билан даволаш ва профилактикасини;
 - симфиз очилиши ва ёрилиши клиникаси, ташхислаш ва даволашни;
 - акушерлик оқмалари: этиопатогенез, ташхислаш ва даволаш, профилактикани;
 - геморрагик шокка сабаб бўлувчи акушерлик қон кетишини;
 - геморрагик шокнинг патогенези, босқичлари, ташхислашни;
 - акушерликда геморрагик шокни даволашни;
 - массив акушерлик қон кетишида замонавий даволаш чора – тадбирларини;
 - массив акушерлик қон кетишини олдиндан баҳолашни;
 - ТТИҚИ-синдром ривожланиш сабаблари ва механизмини;
 - ўткир ТТИҚИ-синдром кечиши таснифи, клиникаси, ташхислаш, акушерлик патологиясига боғлиқ ҳолда даволашни;
 - ТТИҚИ-синдром сурункали турларини ташхислаш ва даволашни;
 - туғруқда кўп қон йўкотган аёлларда тромбопатияни олдиндан баҳолашни;
 - она ва ҳомила томонидан индуцирланган туғруққа кўрсатмалар (преэклампсия ва эклампсия, баъзи экстрагенитал касалликларни (ЭГК), ҳомила дистресси ва бошқалар);
 - кўрсатмаларга асосан туғруқни қўзғатиш муддати ва усулини;
 - ҳомила ва она қизиқишларига асосан индуцирланган туғруқни олиб бориш тактикасини;
 - индуцирланган туғруқни оғриқсизлантириш усулини;
 - ҳомила ва она учун туғдириш усулининг натижасини;
 - антенатал ҳомила ўлимида индуцирланган туғруқни олиб бориш тактикасини;
 - программалаштирилган туғруқни ўтказиш учун зарур шароитлар ва усулларни;

- замонавий акушерликда тор чанок, туғруқдаги диспропорцияни ташхислашни;
- прелиминар давр, патологик прелиминар давр, ташхислаш усуллари ва туғрунинг кечиши;
- прелиминар даврда ҳомиладорни олиб бориш тактикасини;
- туғруқ фаолияти нуқсони таснифи, унинг сабаблари, туғруқ характеристикаси ва ҳар хил турдаги туғруқ нуқсонларида туғруқни олиб бориш тактикасини;
- туғруқни бошқаришда қўлланиладиган воситаларнинг фармокодинамикаси ва фармококинетикасини;
- анатомик тор чанок таснифи ва ташхисини;
- нормал ва ҳар хил шаклдаги тор чанокда туғруқ механизмини;
- функционал тор чанок таснифи, ҳомила боши ва она чаногини мос келмаслиги, ташхислашни;
- тор чанокда туғруқни олиб боришни;
- функционал тор чанокда туғруқ асоратларини;
- кўп ҳомилаликда, ҳомиланинг кўндаланг ва қийшиқ жойлашишида, ҳомиладорликнинг кечиши ва туғруқни;
- ҳомиланинг ҳолатини тўғриловчи жарроҳликга кўрсатма, шароит ва техникаси (ташқи ва ички акушерлик буриш);
- акушерлик қисқичлари, вакуум – экстракция, ҳомилани чаноғидан экстракция қилиш жарроҳликга кўрсатмани;
- акушерлик қисқичлари, вакуум – экстракция, ҳомилани чаноғидан экстракция қилиш жарроҳлигига кўрсатмани;
- кесар кесиш жарроҳлигига кўрсатма, операциядан кейинги даврни олиб бориш, асоратларни;
- акушерлик қисқичларини, ҳомила чаноғидан экстракция қилишни, кесар кесиш жарроҳликдан кейинги даврини олиб боришни;
- туғруқдан кейинги септик касалликлар локал шаклларидаги этиопатогенези, клиник турлари, ташхислаш ва даволаш, мастит ва унинг профилактикасини;
- туғруқдан кейинги септик касалликларнинг генераллашган шакллари, кесар кесишдан кейинги акушерлик перитонити, сепсис ва бактериал токсик шокнинг этиопатогенези, клиник кечиши, ташхис, даволаш, профилактикасини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- тиббий – генетик текширувлар ўтқизиш;
- рентгенологик текширув ўтқизиш;
- ҳомила ҳолатини ташхислаш;
- туғруқнинг бошланишини ташхислаш, унинг клиник кечиши, туғруқни замонавий олиб бориш ва оғриқсизлантириш;
- нормал туғруқни олиб бориш;
- туғруқнинг III даврини фаол олиб бориш;
- туғруқдан кейинги даврини олиб бориш;
- ҳомиладорлик ва фетоплацентар тизим ҳолатини ташхислаш;
- ҳомиланинг юрак фаолиятини баҳолаш;
- ультратовуш сканирлаш, ҳомилани биофизик ҳолатини аниқлаш;
- ҳомиладор аёлларда гормонал ҳолатини баҳолаш;
- кольпоцитологияни бажариш;
- қоғонок сувини текшириш;
- иммунологик текшириш;
- тиббий – генетик текшириш;
- рентгенологик текшириш;
- ҳомила ҳолатини ташхислаш;
- нормал туғруқни олиб бориш;

- физиологик туғруқнинг ташхислаш, олиб бориш усуллари ва бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш;
- асоратлар ўтказган аёлларни реабилитация қилиш;
- эрта токсикозларни даволаш ва профилактикаси, оғир преэклампсия, эклампсия ва унинг асоратларини интенсив даволаш;
- асоратлар ўтказган аёлларни реабилитация қилиш;
- йўлдош олдида келишини ташхислаш, олиб бориш ва бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш;
- НЖЙБҚда ҳомиладорликни олиб бориш ва жаррохлик усули билан даволаш;
- туғруқдан кейинги қон кетишини босқичма-босқич тўхтатиш;
- геморрагик шокка қарши курашиш;
- ТТИҚИ-синдром профилактикаси ва даволаш;
- она ва ҳомила кўрсатмаларига асосан ҳар хил усуллар билан туғруқни индукциялаш ва индуцирланган ва программалаштирилган туғруқни олиб бориш;
- туғруқдаги диспропорция ҳолатларини аниқлаш ва олиб бориш;
- кўпсувлилик ва камсувлиликда, йирик ҳомилада, киндик тизимчасининг тушишида, жинсий аъзолар патологик ўзгаришида, бачадон чандиғида, муддатидан ўтган ҳомиладорликда, биринчи туғувчи аёлларда йирик ҳомила ва бошқа асоратли омилларда туғдириш;
- акушерлик қисқичлари, вакуум – экстракция ёрдамида туғруқни тугатиш;
- ҳомилани чаноғидан экстракция қилиш;
- кесар кесиш операцияси бажариш;
- ҳомилани емириш операцияси бажариш;
- акушерлик жаррохлигида огриксизлантириш *кўникмаларига эга бўлиши зарур.*

6.2.2.2 Гинекология фани бўйича

Магистр:

- аёллар репродуктив тизимининг тузилиш ва фаолияти ва унинг бошқарилиши;
- репродуктив тизимининг тузилиши ва фаолияти;
- репродуктив тизимининг ривожланиш даврлари ва фаолияти;
- аменорея турлари;
- ҳар хил ёшдаги аёлларда бачадондан қон кетишни даволаш усуллари;
- аёллар жинсий аъзолари яллиғланиш касалликлари;
- жинсий йўллар орқали юқувчи касалликлар (ЖЙОЮК) ва уларни даволаш тамойиллари;
- қин микробиоценози, физиологик ҳимоя механизми, яллиғланишда қин микрофлорасининг иштирок этиши;
- ҳомиладорликнинг эрта даврида қон кетиши сабаблари;
- аёллар жинсий аъзолари фон ва рак олди касалликлари;
- бепушт оила ва аёллар сексопатологияси бўйича саволлари;
- контрацепция усуллари ва оилани режалаштириш;
- аёлларда сексуал бузилишлари, аёллар бепуштлиги, шунингдек оилани режалаштириш ва замонавий контрацепция *ҳақида тасаввурга эга бўлиши.*
- гинекологик касалликлар симптоматологиясини;
- гинекологик касалликларни лаборатор ташхислаш усуллари, биохимик, бактериологик, радиоиммун, клиник усулларини;
- гинекологик касалликларни инструментал ташхислаш усуллари: пункция, биопсия, баъзи эндоскопик текширувларни;
- гинекологик касалликларни рентгенологик ташхислаш усуллари (краниография, гистеросальпингография)ни;
- гинекологик касалликларни ультратовуш ташхислаш усуллари, трансабдоминал ва трансвагинал эхографиясини;
- гинекологик касалликларни гормонал текшириш усулларини;

- гинекологик касалликларни медико – генетик ташхислаш усуллари;
- аёллар репродуктив тизими бузилишини функционал ташхислаш усуллари;
- репродуктив тизимнинг ривожланиши бузилишининг асосий таснифи, сабабларини;
- жинсий дифференцияланиш бузилмаган ҳолда жинсий ривожланиш нуқсони, клиникаси, ташхислаш ва даволаш (вақтидан олдин жинсий етилиш, жинсий етилишдан орқада қолиш)ни;
- жинсий дифференцияланиш бузилганда жинсий ривожланиш нуқсони, клиникаси, ташхислаш ва даволаш (туғма адреногенитал синдром (ТАС), гонада дисгенезияси (ГД), кин ва бачадон ривожланиш нуқсонлари)ни;
- бирламчи аменорея таснифи, клиник шакллари, ташхислаш ва даволашни;
- иккиламчи аменорея таснифи, клиник шакллари, этиопатогенез, ташхислаш, қиёсий ташхислаш ва даволашни;
- тухумдонлар резистентлиги синдроми ва тухумдонлар бўшаб қолганлик синдроми, патогенез, клиника, ташхислаш ва даволашни;
- бачадондан қон кетиш сабаблари, уларнинг таснифини (бачадондан дисфункционал қон кетиш ва бачадондан органик қон кетиш);
- пубертат қон кетиши этиопатогенези, клиника, ташхис, даво, профилактика, ва оқибатини;
- репродуктив бачадондан дисфункционал қон кетишининг (БДҚК) патогенези, клиникаси, ташхиси, даволашни;
- пременопаузал БДҚКни даволаш тамойилларини;
- бачадондан органик қон кетиши сабаблари, ташхислаш, қиёсий ташхислаш, даволашни;
- вирил синдромини ташхислашни;
- менструация олди синдроми: учраш сони, патогенез, клиник шакллари, ташхислаш, даволаш, оқибатини;
- посткастрационсиндроми: учраш сони, патогенез, клиник шакллари, ташхислаш, даволаш, оқибатини;
- климактерик синдроми, симптоматика, патогенез, даволаш, нофармокологик даво-си, ногормонал воситалар билан даволаш ва гормонал терапия, шунингдек метаболик бузилишни даволаш (урогенитал синдром ва остеопороз) ва профилактикасини;
- буйрак усти гиперандрогенимияси патогенез, клиника, қиёсий ташхислаш ва андрогенитал синдромнинг постпубертат шакли, даволашни;
- бирламчи тухумдонлар поликистози патогенези (Штейн–Левенталь синдроми) клиникаси, ташхис, даво ва профилактикасини;
- иккиламчи тухумдонлар поликистози клиникаси, ташхис, даво ва профилактикасини;
- жинсий аъзолар пастки бўлимнинг яллиғланиш касалликлари клиник шакллари, симптоматикаси, ташхислаш ва даволашни;
- жинсий аъзоларнинг хламидиоз, уреоплазмоз ва вирусли касалликларини;
- кичик чаноқ аъзолари носпецифик яллиғланиш касалликлари, инфекция тарқалиш йўллари, таснифи, клиника, ташхислашни;
- специфик яллиғланиш касалликлари (гонорея, сил, ОИТС) клиникаси, ташхисини;
- ички жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларини даволашнинг умумий тамойилларини;
- TORCH-инфекцияси ва уларнинг ҳомиладорлик даврида олиб келадиган асоратлари ва даволаш тамойилларини;
- абортлар таснифи, этиопатогенези, олиб бориш, асоратларини;
- трофобластик касаллик таснифи, клиникаси, ташхислаш ва даволаш усуллари;
- ривожланмаган ҳомиладорлик клиникаси, ташхислаш ва даволаш усуллари;
- эктопик ҳомиладорликни;

- найдаги ҳомиладорлик таснифи, этиопатогенези, клиник шакллари, бузилган найдаги ҳомиладорликни клиник кечиш хусусияти, симптоматикаси, қиёсий ташхислаш, жарроқлик ва жарроқсиз даволаш усуллари;
- эктопик ҳомиладорликнинг кам учрайдиган турлари, шунингдек бачадон бўйнидаги ҳомиладорликни;
- эктопик ҳомиладорлик прогнози ва кечки асоратларини;
- эндометриоз, бачадон ва тухумдонлар хавфсиз ўсмаларини ташхислаш ва даволаш тамойилларини;
- ташқи жинсий аъзоларнинг асосий фон ва раколди касалликлари (крауроз, вульва лейкоплакияси) ташхислаш ва даволашни;
- бачадон бўйни фон ва раколди касалликлари, клиникаси, ташхис ва даволашни;
- эндометрий раколди касалликлари (атипик безли гиперплазия, нейроэндокрин синдром фониди безли гиперплазия қайталаниши)ни;
- эндометрий раколди касалликларининг клиникаси, ташхислаш, гормонал ва жарроқлик усулли билан даволашни;
- эндометриоз таснифи, этиологиясини;
- эндометриознинг ҳар хил шакллариининг клиник кечиши, замонавий усуллар билан ташхислаш, даволаш тамойиллари, профилактикасини;
- бачадон миомаси, таснифи, патогенез, клиникаси, замонавий усуллар билан ташхислаш, консерватив ва жарроқлик даволашга қўрсатмалар, оқибатини;
- тухумдонлар хавфсиз ўсмаларини таснифи, клиникаси, ташхислаш, асоратлари, даволашни;
- тухумдонлар оддий кисталарини ташхислаш ва даволаш тамойилларини;
- аёллар бепуштлигининг таснифи, этиопатогенезини;
- эндокрин бепуштликнинг этиологияси, даволашнинг ва текширишнинг замонавий усуллари;
- най-перитонеал бепуштлиги, этиологияси, ташхислаш, даволаш усуллари;
- иммунологик бепуштлик: этиологияси, замонавий ташхислаш усуллари ва даволашни;
- аёллар бепуштлигини текшириш тамойиллари, замонавий даволаш усуллари (овуляцияни стимуллаш, экстракорпорал уруғлантириш, сунъий инсеминацияси);
- оилани режалаштириш тамойиллари, контрацепция усуллариининг таснифини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- аёллар жинсий аъзолари касалликларини ва репродуктив тизим бузилиш фаолиятини клиник, лаборатор ва инструментал ташхислаш;
- аёллар репродуктив тизими ривожланиши бузилишини ташхислаш ва даволаш;
- бирламчи ва иккиламчи аменорея, бачадондан функционал ва органик қон кетилишини ташхислаш ва даволаш;
- жинсий тизимнинг юқори ва пастки бўлимларининг яллиғланиш касалликларини ташхислаш, TORCH – инфекциясини даволаш;
- ҳомиладорликнинг эрта даврида қон кетиш сабабларини аниқлаш, даволаш ва кузатиладиган асоратларнинг олдини олиш;
- аёллар жинсий аъзолари фон ва раколди касалликлари, тухумдонлар хавфсиз ўсмаларини ташхислаш, уларни даволаш;
- лапаротомия ва лапароскопия жарроқлигини бажариш;
- функционал ташхислаш тестларни ўтказиш;
- қўқрак безларини пальпацияси, кўзгуларда кўрик, бимануал кўрикни ўтказиш;
- бачадон ампутацияси, экстирпацияси, вентрофиксацияни ўтказиш;
- тухумдон резекцияси, цистэктомия, аднексэктомияни ўтказиш;
- сальпингэктомия, сальпингостомияни ўтказиш;
- бачадон бўшлигини кириш ва вакуум аспирацияни бажариш;
- гистероскопияни ўтказиш;

- Люголь эритмаси билан синама, кольпоскопияни ўтказиш;
- парацервикал анестезияни ўтказиш;
- бартолин бези абсцессини, гематокольпоксни даволаш;
- орқа гумбаз пункциясини ўтказиш;
- бачадон бўйни полипини даволаш;
- бачадон ичи воситасини (БИВ) қўйиш ва олиб ташлаш, ихтиётирий жарроҳлик стерилизацияси (ИЖС) амалиётини бажариш **кўникмаларига эга бўлиши зарур.**

6.2.3. Танлов фанлари бўйича магистрларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар:

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

Махсус фанларини ўқитиш услуги фани бўйича

Магистр:

- махсус фанларни ўқитиш услуги фанининг предмети, мақсад ва вазифалари;
- махсус фанларни ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари;
- махсус фанлар таълим мазмунини танлаш мезонлари;
- махсус фанларни ўқитиш услуги ва воситалари;
- махсус фанларни ўқитишнинг ташкилий шакллари;
- махсус фанларни ўқитишнинг ахборот технологиялари;
- махсус фанларни ўқитиш технологиялари;
- махсус фанлардан ўқув амалиётини ташкил этиш;
- ўқув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаштириш ва ташкил этиш;
- махсус фан ўқитувчисининг ўқув-меъерий ҳужжатлари ва услубий ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш услуги **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- махсус фанларни ўқитиш жараёнининг тузилиши, қонуният ва тамойиллари; махсус фанларни ўқитиш жараёнида профессор-ўқитувчининг вазифалари ва талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш, талабаларнинг диққатини жалб қилиш ва машгулот самарадорлигини ошириш услублари ва воситалари, махсус фанларни ўқитиш шакллари (маъруза, семинар, амалий, лаборатория, мустақил таълим, курс ишлари, битирув малакавий ишлари, ўқув амалиёти, малакавий ишлаб чиқариш амалиёти)ни ташкил этиш ва ўтказиш услуги фани, махсус фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш турлари, шакл ва услубларини, махсус фанларни ўқитишнинг мультимедиа ва интерфаол таълим технологияларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- махсус фанларнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш, машгулот ишланмаларини тайёрлаш, махсус фанларнинг ўқув-услубий мажмуаларини ишлаб чиқиш, махсус фанларни ўқитиш жараёнида рейтинг тизимини қўллаш, махсус фанларни ўқитишда машгулотларнинг режасини тузиш ва маъруза матнини тайёрлаш; очик машгулотларни ўтказиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш, йил, семестр бўйича ўқув ишларининг ташкил этилишини режалаштириш, аудиториядан ташқари иш шакллари раҳбарлик қилиш, ўқитиш жараёнида ахборот технологиялари ва интерфаол технологияларни қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

7. Магистратура таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари

7.1. 5510100 - Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги **5A510101 – Акушерлик ва гинекология** мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлашнинг таълим дастури қуйидаги вақт бюджети тақсимотига эга:

| | |
|---------------------------------|------------------|
| Назарий таълим ва илмий фаолият | 120 ҳафта |
| Аттестациялар | 8 ҳафта |
| Таътилар | 24 ҳафта |
| Жами | 152 ҳафта |

7.2. Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланиши керак. Кундузи ўқиш шакли учун аудитория машғулоти ва илмий фаолиятнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланиши лозим.

7.3. Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 3 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.4. Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

7.5. 5510100 - Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги 5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.1. Умумметодологик фанлар блокнинг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.1.1. Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси:

Миллий ғоя ва мафкура парадигмаларини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари. Миллий ғоя ва миллий мафкуранинг муносабати, намоён бўлиш хусусиятлари. Ғояларни ҳаракатлантирувчи мотивлари ва механизмлари. Миллий ғояда ворисийлик ва тадрижийлик. Миллий ғоянинг дунёвий, фалсафий, диний негизлари, характери ва уни такомиллашуви. Миллий ғояни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари. Миллий ғоя давлат ва жамият қурилишининг назарий асоси. Ғоявий-мафкуравий муносабатларнинг мувофиқлаштириш тенденцияси. Глобал инқирозлар тушунчаси ва миллий ғоя. Глобал инқирозлар шароитида миллий ғояга эҳтиёжнинг ошиб бориш сабаблари. Ғоявий таълим-тарбия, миллий таълим-тарбия ғоясининг стратегияси.

“Ўзбек модели” ғояси. Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт муносабатлари. Ижтимоий сиёсат ва Ўзбекистонда ижтимоий тизимни такомиллаштириш. Фуқаролик жамияти шаклланишининг илмий-назарий асослари. Ижтимоий шерикчилик тушунчаси, моҳияти ва мазмуни. Жамият муносабатларини такомиллаштиришда ижтимоий шерикчилик. Кучли ижтимоий ҳимоя. “Ўзбек модели”нинг ўзига хос хусусияти. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг бош ислохотчилик роли. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати концепцияси. Ташқи иқтисодий муносабатларда миллий манфаатлар устуворлиги. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг халқаро эътирофи. Ёшлар онгида миллий ғоянинг шаклланиши ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва тинчликни таъминлаш омили сифатида.

7.5.1.2. Илмий-тадқиқот методологияси:

Фан тушунчасининг кенг ва тор маънолари. Фан тараққиётининг асосий босқичлари. Фан тарихига оид ёндашувлар. Фан тарихи тараққиётининг асосий моделлари.

Фанлар таснифига оид қарашлар тарихи. Билиш меъёрлари ва идеаллари, дунёнинг илмий манзараси.

Ижод ва илмий-тадқиқот билиш фаолиятининг маҳсули. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг ижодга оид қарашлари. Илмий-тадқиқотнинг хоссалари. Техникавий тадқиқот. Бадиий ижод билан боғлиқ илмий-тадқиқот.

Педагогик тадқиқот.

Илмий-тадқиқотда инновация ва новациялар. Инновация тушунчаси ва унинг таҳлили. Илмий-тадқиқот фаолиятида рационаллик ва иррационаллик. Илмий-тадқиқотнинг амалий асослари. Асосий методологик ёндашувлар ва тамойиллар. Услуб, методология ва услубиёт тушунчалари.

Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс стадис, абдукция. Эвристика янги методологик тамойил. Фундаментал тадқиқотлар. Амалий тадқиқотлар. Инновацион тадқиқотлар. Илмий-тадқиқот турларининг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи.

Муаммоларнинг таснифи. Муаммоли вазият ва унинг аҳамияти.

Илмий-тадқиқот услубларига ахборот ва ахборот технологияларининг таъсири. Ахборот, маълумот ва билим уйғунлиги. Ахборотлашган жамият концепцияси.

Илмий-тадқиқотда тушуниш ва тушунтиришнинг аҳамияти.

Ҳозирги замон олимнинг портрети. Илм одамлари, интеллектуал элита ва суперинтеллектуал элита назарияси.

7.5.1.3. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат:

Педагогик технология, унинг шаклланиш тарихи; педагогик технологиянинг илмий асослари; таълимнинг фанга йўналтирилган технологиялари; таълимнинг шахсга йўналтирилган технологиялари; педагогик жараёни ташкил этиш ва самарали бошқариш асосидаги педагогик технология; ривожлантирувчи таълим технологиялари, танқидий фикрлашни ривожлантирувчи таълим технологиялари; тарбия технологияси; педагогик маҳорат ва унинг ўқитувчи фаолиятида тутган ўрни; педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати; ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият; ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти ва психологияси; педагогик такт ва педагог одоби; педагогик низолар ва уларни бартараф этиш технологияси; педагогик техника ҳақида тушунча ва педагогик техникани шакллантириш усуллари

7.5.1.4. Амалий хорижий тил:

Коммуникатив, лингвомамлакатшунослик, лингвомаданий, илмий ҳамда касбий компетенциялар. Амалий хорижий тилнинг товуш тизими, грамматик тузилмаси ва луғат таркибининг бўлимлари бўйича умумий маълумот. Интонациянинг коммуникатив вазибалари. Сўзларнинг боғланиши ва морфологик тузилишининг нутқ актида жилоланиши. Феъл актив ва пассив шакллариининг функционал юктамаси. Мураккаб тўлдирувчи қурилмаларнинг контекстуал функциялари, гапни ташкил этувчи конституиентларининг умумий таснифи. Замонларнинг мослашуви, кўчирма ва ўзлаштирма гап.

Амалий хорижий тил синтаксисини ташкил этувчи компонентлар бўйича умумий маълумот. Гапнинг прагматик хусусияти.

Амалий хорижий тил луғат бойлиги бўйича умумий маълумотлар. Соҳага оид атама ва тушунчалар. Аббревиатура, акроним ва топонимлар. Кўп маъноли сўзлар, сўз бирикмалари, эркин бирикмалар. Ўзлашган сўзлар. Клишелар. Луғатлар ва уларнинг таркиби. Тиллардаги эквивалентсиз лексикалар. Мустақил ишларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Мамлакатлар даврий нашрлари тилининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг таркибий тузилмалари, жанрлари. Турли даражадаги ахборот хабарлари. Аниқ воқеа-ҳодисалар тўғрисида сиёсий-иқтисодий-маданий соҳага оид ахборотлар. Энг аҳамиятли воқеа ва ҳодисаларни изоҳлаб бериш. Ўз мамлакати ва жаҳонда содир бўлаётган сиёсий-иқтисодий-маданий соҳалардаги воқеа ва жараёнларни назарий жиҳатдан умумлаштириш ҳамда магистрик диссертацияларини бажаришда хорижий тилдаги адабиётлар, интернет ресурсларидан унумли фойдаланиш.

Соҳа мутахассислари учун мўлжалланган хорижий тилдаги илмий журналлар, диссертациялар ва илмий мақолаларда берилган мутахассислик атамалари устида ишлаш, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва мутахассис сифатида амалий хорижий тилда мулоқотга кириша олиш.

Ўрганилаётган тил грамматик тузилмасининг контекстуал семантикаси ва прагматингвистик жиҳатлари. Сўз туркумланининг контекстуал хусусиятлари: сифат ва равишлар, келаси давомли замон ва тугалланган давомли келаси замон шаклларининг функционал семантикаси. Шарт майлининг аралаш шакллари. Жамловчи, хулосаловчи ва чалғитувчи модал маъноли феъллар.

Феъл замон шаклларининг контекстуал юктамалари. Мажхул нисбат. Ўтган тугалланган замон шаклининг контекстуал семантикаси. Ўтган тугалланган давомли замон шаклининг контекстуал семантикаси. Бирикма таркибли феъллар (Phrasal verbs) нинг прагматингвистик хусусиятлари. Идиоматик ва ноидиоматик бирикмали феъллар. Нисбий эргаш гапли кўшма гаплар. Ўзлаштирма гапларнинг контекстуал семантикаси.

Сўзловчининг нияти ва мўлжали, мақсадини билдиришда ишлатиладиган феъл шакллари ва уларнинг контекстуал реализацияси.

7.5.1.5. Ахборот тизимлари:

Ахборот тизимлари: Тизим, замонавий ахборот тизимлари, ахборот тизимлари турлари, ахборот тизимларининг ривожланиш босқичлари. Жамиятни ахборотлаштириш. Ахборот тизимларини инсон фаолиятининг турли соҳаларига татбиқ этиш. Ахборот тизимларининг тузилмаси. Ахборот тизимларини ташкил этиш ва бошқариш. Ўзбекистонда ахборот тизимларининг ривожланиши.

Ахборот тизимларини синфланиши: Ахборот тизимларининг масштаби бўйича синфланиши. Ахборот тизимларининг қўлланилиш соҳаси бўйича синфланиши. Ахборот тизимларини ташкил этиш усули бўйича синфланиши. Ахборот тизимларининг техник тузилиши бўйича синфланиши. Ахборот тизимларининг ахборот характери бўйича синфланиши.

Ахборот тизимлари турлари: Ахборот тизимлари ва ахборот технологияларининг боғланиши. Давлат ахборот тизимлари. Интерактив хизматлар. Бизнесни бошқариш тизимлари. Корпоратив ахборот тизимлари.

Ахборот тизимларини ҳаётий цикли: Лойиҳа. Лойиҳа турлари. Ахборот тизимларининг ҳаёт цикли моделлари. Ахборот тизимларининг каскадли ва спирал моделлари. Ахборот тизимлари ҳаёт циклининг асосий, кўшимча ва ташкилий жараёнлари. Ахборот тизимларини ишлаб чиқиш методологияси ва технологияси.

7.5.1.6. Нутқ маданияти:

Нутқ ва унинг шакллари. Нутқ ва мантик. *Маданий нутқ* тушунчаси. Нутқ, нотиклик ва воизлик. Нотиклик тарихи нутқий амалиёт ва маданият кўзгусида. Антик даврда нотиклик ва нутқ маданияти. Шарқда нотиклик ва нутқ маданияти. Замонавий нотикларнинг сўз қўллаш санъати. Жаҳон замонавий интеллектуал оламида мулоқот маданиятига дахлдор қарашлар, амалий йўналишлар.

Маданий нутқнинг лисоний ва нолисоний меъёрлари ҳамда қоидалари. Талаффуз меъёрлари. Лексик меъёрлар. Морфологик меъёрлар. Синтактик меъёрлар. Пунктуацион меъёрлари. Услубий меъёрлар. Прагматик меъёрлар. Социал меъёрлар. Этник меъёрлар. Соҳавий меъёрлар.

Маданий нутқнинг асосий коммуникатив сифатлари: тўғрилиқ, аниқлик, мантиқийлик, софлик, бойлик, жўялилик, ифодалилик. Маданий нутқнинг прагматик, этник, социал хосланганлиги, соҳавий хосланганлиги. Нутқий технология.

7.5.1.7. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти:

Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти фанининг предмети, объекти ва субъекти. Бошқарув мақсади ва функциялари.

Соғлиқни сақлашнинг асосий тушунчалари ва тамойиллари. Соғлиқни сақлашга раҳбарлик қилиш.

Менежер ва раҳбарлик услуги. Раҳбар фазилатлари, маданияти, ходимлар билан муносабат.

Ташкиллаштириш, ташкилот, вазифаларни тақсимлаш. Стратегик режалаштириш. Соғлиқни сақлаш тизимини режалаштириш: врачлик лавозими, врачларга бўлган

эҳтиёжни ҳисоблаш, касалхонадаги ўринларни ҳисоблаш. Бизнес режалаштириш.

Мотивлаштириш ва эҳтиёж. Мотивлаштириш назариялари: Назоратнинг мазмуни ва моҳияти.

Тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш. Сифатни ошириш инструментлари.

Ҳокимият ва таъсир кўрсатиш. Раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш. Низони бошқариш. Низо, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва турлари. Стресс ва уни бошқариш.

Бошқаришда ахборот ва коммуникация. Хужжатлар ва уни юритишни ташкил этиш. Бошқарув самарадорлиги тўғрисида тушунча ва унинг мезонлари.

Соғлиқни сақлаш иқтисодиёти. Соғлиқни сақлаш тизими хизматлари ва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлар.

Бозор муносабатлари шароитида соғлиқни сақлаш. Тиббиёт маҳсулотлари ва хизматларига нархни белгилаш. Соғлиқни сақлаш тизимида иқтисодий муносабатлар. Меҳнат муносабатлари. Меҳнат билан бандлик ва ишсизлик.

Хусусий мулкчилик ва соғлиқни сақлаш. Тиббиёт муассасаларини ва ташкилотларини хусусийлаштириш. Бизнес-режа.

Тиббий ва иқтисодий самарадорлик, мавжуд ўрин фондидан фойдаланиш, ногиронликни камайтириш, даволаш муддатларини аниқлаш, вақтинча меҳнатга лаёқатсизликни қисқариши натижасида эришилган иқтисодий самарани ҳисоблаш.

7.5.2. Мутахассислик фанлари блокнинг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.2.1. Акушерлик:

Ҳомиладорликни ва унинг функционал ҳолатини, фетоплацентар тизимни баҳолаш. Ҳомиладорни, туғруқдаги ва туғруқдан кейинги аёлларни, ҳомилани ҳолатини ноинвазив ва инвазив баҳолаш усуллари.

Физиологик ҳомиладорлик ва фетоплацентар тизим. Физиологик туғруқ ва туғруқдан кейинги давр замонавий олиб бориш. «Она – йўлдош – ҳомила функционал тизими» ҳақида тушунча. Йўлдошнинг анатомияси ва физиологияси. Она – йўлдош – ҳомила функционал тизимининг бачадон ичи ривожланиш босқичлари, онтогенезнинг қалтис даврлари. Ҳомиладорликда организмдаги физиологик ўзгаришлар. Туғруқнинг содир бўлиш сабаби, тайёргарлик ва прелиминар даврлар. Ҳомиладорнинг туғруққа биологик тайёргарлигини баҳолаш. Туғруқнинг клиник кечиши, олиб бориш ва оғриқсизлантириш. Ҳомила туғруқ объекти. Нормал туғруқ биомеханизми ва сабаб бўлувчи омиллар. Туғруқдан кейинги давр физиологияси, клиник кечиши ва олиб бориш.

Ҳомиладорлар қайд қилиши келиб чиқиши назариялари. Ҳомиладорликдаги гипертензив ҳолатлар, асоратлари. Преэклампсия ва эклампсия. Ҳомиладорлар қайд қилиши этиологияси ва патогенези. Кўп ва кам учрайдиган эрта токсикозлар клиникаси. Ҳомиладорлар қусишининг комплекс терапияси. Кам учрайдиган шаклларини даволаш. Ҳомиладорлар қайд қилиши профилактикаси. Гипертензив ҳолатларни замонавий терминологияси, этиология, патогенез, клиника. Гипертензив ҳолатларни замонавий ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари. Преэклампция, эклампсия асоратлари – ТТИҚИ - синдроми, HELLP синдроми, ҳомиладорлар ёғли гепатози. Асоратлар ўтказган аёлларни реабилитация қилиш.

Ҳомиладорлик ва ЭГК фон патологиялари: юрак, қон – томир касалликларда ҳомиладорликни кечиши, орттирилган ва туғма юрак нуқсони, гипертония касаллиги, артериал гипотензия. Муддатидан олдин ҳомиладорликни тўхтатишга кўрсатма ва ҳомиладорликни олиб бориш ва кузатиш тамойиллари, туғдириш акушерлик тактикасини танлаш. Жигар ва буйрак касалликларида ҳомиладорликнинг кечиши ва туғруқни олиб бориш. Қандли диабет ва семизликда ҳомиладорликнинг кечиши ва туғруқни олиб бориш. Бронхиал астмада ҳомиладорликнинг кечиши ва туғруқни олиб бориш. Ҳомиладорлик ва ўткир қорин.

Ҳомилани кўтара олмаслик этиологияси, патогенези. Ҳомиланинг ўз-ўзидан тушишини ташхислаш, таснифи ва даволаш. Муддатдан олдинги туғруқни ташхислаш,

клиник кечиши, даволаш. ИЦЕни хирургик даволаш. Муддатдан олдинги туғруқни консерватив олиб бориш ва кесар кесиш.

Ҳомиладорликни муддатига етмасдан тўхтатиш. Она ва ҳомила томонидан индуцирланган туғруққа кўрсатмалар. Тугруқни кўзғатиш муддати ва усули. Индуцирланган туғруқни олиб бориш тактикаси, оғриқсизлантириш усули. Ҳомила ва она учун туғдириш усулининг натижаси. Антенатал ҳомила ўлимида индуцирланган туғруқни олиб бориш тактикаси. Программалаштирилган туғруқни ўтказиш учун зарур шароитлар ва усуллар.

Чақалоқлик даври физиологияси. Чақалоқлар ва ҳомила патологияси. Ҳомила дистресси. Перинатал патология хавф омиллари ва гуруҳлари. Чақалоқлик даврида транзитор ҳолатлар. Чақалоқлар касалликларининг профилактикаси. Кўкрак билан эмизишнинг аҳамияти. Ҳомила гипоксияси, чақалоқлар асфиксиясини ташхислаш усуллари ва даволаш тамойиллари. Ҳомила ривожланиши нуқсонлари ва ўсишидан орқада қолиш синдроми. Бачадон ичи ва чақалоқлар инфекцияси. Чақалоқлар туғруқ травмаси. Ҳомила ва чақалоқлар гемолитик касаллиги, резус антиген ва АВО тизими бўйича конфликт. Қон алмаштириш техникаси. Гометопатия, эмбриопатия, фетопатия. Антенатал, интранатал ва перинатал хавф омилларини баҳолаш.

Ҳомиладорлик даврида қон кетиш. Акушерликда геморрагик шок. Акушерликда қон кетиш сабаблари. НЖЙБК ва йўлдошнинг олдинда келишининг клиникаси, ташхислаш, қиёсий ташхислаш, акушерлик тактикаси ва профилактикаси. Йўлдошни бирикиши нуқсонлари. Қаттиқ бирикиш ва йўлдошнинг ўсиб киришининг клиникаси, ташхислаш ва акушерлик тактикаси. Йўлдош қисмлари ушланиб қолиши ва ажралган йўлдошнинг қисилиб қолиши клиникаси, ташхислаш ва даволаш тактикаси. Гипо- ва атоник қон кетишининг клиникаси, ташхислаш ва даволаш. Геморрагик шокнинг патогенези, босқичлари, ташхислаш. Массив акушерлик қон кетишида даволаш чора – тадбирлари. ТТИҚИ синдром ривожланиш сабаблари ва механизми. Ўткир ТТИҚИ синдром кечиши таснифи, клиникаси, ташхислаш, даволаш. ТТИҚИ синдроми сурункали шаклини ташхислаш ва даволаш. Туғруқда кўп қон йўқотган аёлларда тромбопатияни олдиндан баҳолаш.

Тугруқ фаолиятини нуқсони ва туғруқни фаол олиб бориш усуллари. Замонавий акушерликда ҳомила боши ва чаноқ диспропорцияси. Тугруқдаги диспропорция. Оналар жарроҳатланиши. Прелиминар давр, патологик прелиминар давр, ташхислаш усуллари ва туғруқнинг кечиши. Прелиминар даврда ҳомиладорни олиб бориш тактикаси. Туғруқ фаолияти нуқсони таснифи, унинг сабаблари, туғруқни олиб бориш тактикаси. Туғруқни бошқаришда қўлланиладиган воситаларнинг фармокодинамикаси ва фармококинетикаси. Аёллар чаноғининг функционал анатомияси. Анатомик тор чаноқ таснифи ва ташхиси. Ҳар хил шаклдаги тор чаноқда туғруқ механизми. Тор чаноқда туғруқни олиб бориш. Ҳомила боши ва чаноқ диспропорциясида туғруқ асоратлари. Ташқи жинсий аъзолар, оралик, қин ва бачадон бўйни жароҳатининг сабаблари, ташхис ва даволаш. Бачадон ёрилишининг сабаблари, ташхислаш, қиёсий ташхислаш, даволаш. Бачадон ёрилишини жарроҳлик усули билан даволаш ва профилактикаси. Симфиз очилиши ва ёрилиши клиникаси, ташхис ва даволаш. Акушерлик оқмалари этиопатогенези, ташхислаш ва даволаш.

Ҳомиланинг чаноқ билан келиши. Кўп ҳомилаликда, ҳомилани кўндаланг ва қийшиқ жойлашишида ҳомиладорликнинг кечиши ва туғруқ. Кўпсувлилик ва камсувлилик. Йирик ҳомилада туғруқнинг кечиши ва туғруқни олиб бориш. Киндик тизимчасини тушишида туғруқни олиб бориш. Жинсий аъзоларда патологик ўзгаришларда, бачадон чандиғида туғруқнинг кечиши ва олиб бориш усуллари. Муддатидан ўтган ҳомиладорликда туғруқнинг клиник кечиши, туғруқни олиб бориш тактикаси. Ҳомилани чаноғи билан келишининг этиологияси, турлари, ташхислаш. Туғруқ биомеханизмлари, туғруқнинг клиник кечиши, туғруқни олиб бориш усуллари. Ҳомилани

чаноғи билан келишида Цовьянов, классик қўл, Морисо-Смитт усулларини қўллаш. Ҳомиланинг чаноқ билан келишида туғруққа тайёрлаш тамойиллари.

Жарроҳлик акушерлик. Ҳомиланинг ҳолатини тўғриловчи жарроҳлигига кўрсатма, шароит ва техникаси. Акушерлик қисқичларини, вакуум – экстракция, ҳомилани чаноғидан экстракция қилиш жарроҳлигига кўрсатма, шароит ва техникаси. Кесар кесиш операциясига кўрсатма, шароит ва техникаси. Жарроҳликдан кейинги даврни олиб бориш, асоратлар. Ҳомилани емириш жарроҳлигига кўрсатма, шароит ва техникаси. Акушерлик жарроҳликда оғриқсизлантириш тамойиллари ва усуллари.

Туғруқдан кейинги инфекция. Туғруқдан кейинги касалликлар таснифи, этиопатогенез, клиник шакллари, ташхислаш ва даволаш. Кесар кесишдан кейинги акушерлик перитонити. Сепсис ва бактериал токсик шок хусусияти, уларнинг этиопатогенези, клиник кечиши, ташхис, даволаш, профилактика.

7.5.2.2. Гинекология:

Гинекологик касалликларни замонавий усуллар билан ташхислаш. Аёллар жинсий аъзолари функционал анатомиясини. Гинекологик касалликлар симптоматологияси. Гинекологик касалликларни физик, лаборатор, биокимё, бактериологик, радиоиммун, клиник ташхислаш усуллари. Гинекологик касалликларни инструментал ташхислаш усуллари (пункция, биопсия, қириш). Эндоскопик ва рентгенологик ташхислаш усуллари (краниография, гистеросальпингография). Ультратовуш ташхислаш усуллари. Гинекологик касалликларни гормонал, медико – генетик ташхислаш усуллари. Аёллар репродуктив тизимининг бузилишини функционал ташхислаш усуллари.

Аёллар репродуктив тизимининг тузилиш, фаолияти ва унинг бошқарилиши. Репродуктив тизимининг ривожланиш давлари. Репродуктив тизим ривожланишининг бузилиши. Репродуктив тизимининг бузилишининг асосий таснифи, сабаблари. Жинсий дифференциялланиш бузилмаган ҳолда жинсий ривожланиш нуқсони, клиникаси, ташхислаш ва даволаш. Вақтидан олдин жинсий етилиш. Жинсий етилиши орқада қолиши. Жинсий дифференциялланиш бузилганда жинсий ривожланиш нуқсони, клиникаси, ташхислаш ва даволаш. Туғма АГС, ГД, қин ва бачадон ривожланиш нуқсонлари.

Аменорея. Бирламчи аменорея таснифи, клиник шакллари, ташхислаш ва даволаш. Иккиламчи аменорея таснифи, клиник шакллари, этиопатогенези, ташхислаш, қиёсий ташхислаш ва даволаш. Тухумдонлар резистентлиги синдроми ва тухумдонлар бўшаб қолган синдроми, патогенез, клиника, ташхислаш ва даволаш. Турли ёшдаги аёлларда бачадондан қон кетиши. Бачадондан қон кетиш сабаблари, уларнинг таснифи. Бачадондан дисфункционал қон кетиши ва бачадондан органик қон кетиши. Пубертат қон кетиши этиопатогенези, клиника, ташхис, даво, профилактика, оқибати. Репродуктив БДКнинг патогенези, клиникаси, ташхис, даволаш. Пременопаузал БДКнинг даволаш тамойиллари. Бачадондан органик қон кетиши сабаблари, ташхислаш, қиёсий ташхислаш, даволаш ва оқибати.

Гинекологияда нейроэндокрин синдромлар. Вирил синдроми. Менструация олди синдроми, патогенез, клиник шакллари, ташхислаш, даволаш, оқибати. Тухумдонларни бутунлай олингандан кейинги синдроми, патогенези, клиник шакллари, ташхислаш, даволаш, оқибати. Климактерик синдроми симптоматикаси, патогенези, даволаш. Метаболик бузилишни (урогенитал синдром, остеопороз) даволаш ва профилактикаси. Буйрак усти гиперандрогенимияси патогенези, клиникаси, қиёсий ташхислаш. Андрогенитал синдромнинг постпубертат шакли, даволаш. Бирламчи тухумдонлар поликистоз (Штейн – Левенталь синдроми) патогенези, клиникаси, ташхислаш, даволаш ва профилактикаси. Иккиламчи тухумдонлар поликистоз клиникаси, ташхислаш, даво ва профилактикаси.

Аёллар жинсий аъзолари яллиғланиш касалликлари. Қин микробиоценози, физиологик ҳимоя механизми, яллиғланишда қин микрофлорасининг иштирок этиши. Жинсий аъзолар пастки бўлимининг яллиғланиш касалликлари клиник шакллари,

симптоматикаси, ташхислаш ва даволаш. Жинсий аъзоларнинг хламидиоз, уреоплазмоз ва вирусли касалликлари. Кичик чаноқ аъзолари носпецифик яллиғланиш касалликлари, инфекция тарқалиш йўллари, таснифи, клиника, ташхислаш. Специфик яллиғланиш касалликлар клиникаси, ташхислаш. Ички жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларини даволашнинг умумий тамойиллари.

Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида қон кетиши. Абортлар таснифи, клиник кечиши, асоратлар, даволаш ва олдини олиш усуллари. Ривожланмаган ҳомиладорлик. Трофобластик касаллик. Абортдан кейинги реабилитация. Эктопик ҳомиладорлик таснифи, этиопатогенези. Найдаги ҳомиладорлик, клиник турлари. Найдаги бузилган ҳомиладорликнинг клиник кечиш хусусияти, симптоматикаси, қиёсий ташхислаш, жарроҳлик ва жарроҳсиз даволаш усуллари. Эктопик ҳомиладорликни камдан-кам учрайдиган турлари. Бачадон бўйнидаги ҳомиладорликни даволаш. Эктопик ҳомиладорликни кечки асоратлари.

Бачадон ва тухумдонлар хавфсиз ўсмалари. Эндометриоз. Аёллар жинсий аъзолари фон ва раколди касалликлари. Бачадон миомаси, таснифи, патогенез, клиникаси, замонавий усуллар билан ташхислаш. Бачадон миомасини консерватив ва жарроҳлик даволашга кўрсатмалар, оқибати. Эндометриоз таснифи, этиологияси. Эндометриознинг ҳар хил шакллариининг клиник кечиши, замонавий усуллар билан ташхислаш, даволаш тамойиллари, профилактикаси. Тухумдонлар хавфсиз ўсмаларини таснифи, клиникаси, ташхислаш, асоратлари, даволаш. Тухумдонлар оддий кисталарини ташхислаш ва даволаш тамойиллари. Ташқи жинсий аъзоларнинг асосий фон ва раколди касалликлари (крауроз, вульва лейкоплакияси) ташхислаш ва даволаш. Бачадон бўйни фон ва рак олди касалликлари, клиникаси, ташхислаш ва даволаш. Эндометрий раколди касалликларини клиникаси, ташхислаш, гормонал ва жарроҳлик усулли билан даволаш.

Аёллар сексопатологияси. Бепушт оила. Контрацепция усуллари. Оилани режалаштириш. Аёллар бепуштлигини таснифи, этиопатогенези. Эндокрин бепуштликнинг этиологияси, даволашнинг ва текширишнинг замонавий усуллари. Най – перитонеал бепуштлик этиологияси, ташхислаш, даволаш усуллари. Иммунологик бепуштлик этиология, замонавий ташхислаш усуллари ва даволаш. Аёллар бепуштлигини текшириш тамойиллари. Замонавий даволаш усуллари (овуляцияни стимуллаш, ЭКУ, сунъий инсеминацияси). Оилани режалаштириш асослари, контрацепция усуллариининг таснифи. БИВ турлари, қўллашга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, ножўя таъсирлари, асоратлари, қўйиш ва олиш усули. Гормонал контрацепция қўллашга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, ножўя таъсирлари, асоратлари (тезкор контрацепция, ёшлар учун ва 35 ёшдан катталар учун контрацепция). Контрацепциянинг тўсиқ усули, физиологик усули (лактацион аменорея ва табиий усуллар), ИЖК (най окклюзияси, вазэктомия) кўрсатма, қарши кўрсатма, асоратлари ва усуллари.

7.5.3. Танлов фанлари:

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмуни ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

Махсус фанларини ўқитиш услубиёти:

Махсус фанларни ўқитиш услубиёти фанининг предмети, мақсади, вазифалари; махсус фанлари ва уларнинг ўзига хосликлари, махсус фанлари ўқитиш жараёни яхлит тизим сифатида; махсус фанларни ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари; махсус фан ўқитувчисининг ўқув-меъёрий хужжатлари ва услубий ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш услубиёти; махсус фанларни ўқитиш мазмуни; махсус фанларни ўқитиш мазмунини белгилаб берувчи меъёрий хужжатлар, махсус фанларни ўқитиш услуб ва воситалари; махсус фанларни ўқитиш шакллариининг умумий тавсифи; маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар; семинар ва амалий машғулотларни ўтказиш технологияси; лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш услубиёти; мустақил таълим ва уни ташкил этиш услубиёти; махсус фанлардан курс иши

(лойихаси)ни тайёрлаш услубиёти; махсус фанларидан ўқув амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш; махсус фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг рейтинг тизими; махсус фанларни ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш; махсус фанларни ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш.

7.6. Илмий фаолиятга бўлган талаблар

7.6.1. Илмий-тадқиқот ишига бўлган талаблар

Илмий-тадқиқот иши ОТМнинг илмий-тадқиқот лабораторияларида, академик ва соҳа илмий-тадқиқот институтларида, корхона ва ташкилотларнинг тадқиқот бўлинмаларида ўтказилади.

Илмий-услубий иш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таълим муассасаларининг кафедраларида ва соҳа илмий-тадқиқот институтларида ўтказилади.

Илмий-тадқиқот (ёки илмий-техникавий) ишларни таълим муассасаларида, илмий марказларда, чет эл мамлакатларининг корхоналари ва ташкилотларида икки тарафлама ёки бошқа битимлар асосида ўтказишга рухсат этилади.

Илмий-тадқиқот ишининг ҳажми, ташкилий ва илмий-услубий таъминланиши кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрловчи кафедра томонидан ишланган дастурда белгиланади.

Илмий-тадқиқот иши:

- магистратура мутахассислиги бўйича объектлар ва жараёнларнинг намунавий моделлари ва уларни тадқиқот қилиш услубиётларини ўрганиш;
- экспериментал тадқиқотларни бажаришда қўлланиладиган стендлар, замонавий аппаратуралар ва бошқа жиҳозларни ўрганиш ва баён қилиш;
- экспериментал тадқиқотларни ўтказиш;
- экспериментал тадқиқотлар натижаларига ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва тавсияларни ишлаб чиқиш;
- амалий дастурлар пакети ва маълумотлар базаларини тузишни назарда тутати.

Илмий-услубий иш:

- мутахассислик илмий-услубий мавзуси бўйича илмий-тадқиқотларни ўтказиш, ҳолатини таҳлил қилиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича ўқув мақсадларини шакллантириш;
- мавзу бўйича ўқитиш технологияси вариантларини кўриб чиқиш ва аниқ вариантни танлаш;
- талабаларни ўқитадиган ва уларнинг билимини назорат қиладиган автоматлаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш;
- ўқув жараёнида ҳамда талабаларнинг ўқув илмий-тадқиқотларида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишни назарда тутати.

7.6.2. Илмий-педагогик ишга бўлган талаблар

Илмий-педагогик иш олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида ўтказилади. Илмий-педагогик иш икки тарафлама ва бошқа битимлар асосида хориж мамлакатлари олий таълим муассасаларида ҳам ўтказилиши мумкин.

Илмий-педагогик иш:

- махсус фанлар бўйича машғулотларнинг ҳар хил турлари: маърузалар, лаборатория ишлари, амалий ва бошқа машғулотларни ўтказиш бўйича стажировка;
- маъруза матнлари ва машғулотларни ўтказиш режаларини тузиш;
- янги педагогик ва ахборот технологияларни ўрганиш ва қўллаш;
- талабалар билимини баҳолашда рейтинг-назорат тизимини қўллаш;
- талабалар мустақил ишини ташкилий ва ўқув-услубий таъминлашни ўрганиш;
- услубий кўрсатмаларни тузиш;
- тарбиявий ишларни ўтказишни назарда тутати.

7.6.3. Малака амалиётига бўлган талаблар

Малака амалиёти зарур бўлган назарий билим асосида амалий кўникмаларни эгаллаш мақсадида махсус соҳасига мос бўлган жойларда ўтказилади ва қуйидагиларни:

– кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва кадрлар тайёрлаш миллий модели ғояси ва мазмуни асосида амалга оширишни;

– касбий фаолият бўйича барча турдаги кўникма ва малакаларни ўрганиш, дидактик ва амалиётга боғлиқ шароитларда татбиқ қилишни;

– касбий фаолият давомида амалга ошириладиган жараёнларда иштирок этиш ҳамда ўз устида ишлашни;

– мутахассисликка доир барча воситалар, усуллар ва замонавий технологияларни чуқур ўрганиш ва амалиётда мустақил қўллай олишни;

– мутахассислик бўйича амалиётда қўлланиладиган барча турдаги ҳужжатларни замон талабларига асосан юритишни;

– касбий фаолиятнинг илмий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларида фаол иштирок этишни *назарда тутди*.

7.6.4. Магистрлик диссертациясига бўлган талаблар

Магистрлик диссертацияси мавзулари соҳанинг ривожланиш истиқболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг мутахассислар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Магистрлик диссертацияси мавзуси талабага биринчи семестр давомида берилади. Ишнинг бажарилиши мос мутахассислик бўйича фан доктори илмий даражаси ёки мутахассислар тайёрловчи кафедра бўйича ушбу таълим муассасасида фаолият кўрсатувчи илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ўқитувчи илмий раҳбарлигида бажарилади. Илмий маслаҳатчилар сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюrolари ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали мутахассислари таклиф қилиниши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг мазмуни *тизимлаштирилган кўринишда* илмий-тадқиқот (ёки илмий-техникавий ечим)нинг дастлабки асосларини, унинг бажарилиб боришини ва олинган натижаларини қайд қилиши керак. Бунда илмий асослар (ёки илмий-техникавий ечимлар) ҳар тарафлама таҳлил қилиниши, мавжуд муқобил вариантларда кўриб чиқилиши ва улардан бирининг танланишига асосланиши лозим.

Магистрлик диссертацияси натижалари бўйича олинган маълумотни матн ёки кўргазмали материал кўринишида мустаҳкамланади, унда муаллиф томонидан мавзунинг назарий ёки амалий аҳамияти исботланади. Матн ва кўргазмали материал *ҳажми ва мазмунининг тавсифи* магистрлик диссертацияси мавзусининг йўналиши (илмий ёки илмий-техникавий) ва мутахассислар буюртмачилари талабларига боғлиқ ҳолда мутахассислар тайёрловчи кафедра томонидан белгиланади.

Белгиланган муддатда бажарилган магистрлик диссертацияси Давлат аттестацияси комиссиясига: илмий раҳбар *хулосаси*, соҳа бўйича илмий ходим ёки мутахассиснинг *ташқи тақризи* ва мос мутахассисликнинг магистратура таълим дастури бўйича шахсий режа бажарилганлиги ҳақидаги *маълумотнома* билан бирга тақдим этилиши лозим.

Магистрлик диссертацияси Давлат аттестация комиссияси ва жамоа олдида очик ҳимоя қилинади.

8. Магистратуранинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар

8.1. Магистратуранинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар

8.1.1. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиши керак.

Олий таълим муассасалари таълим дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши лозим.

8.1.2. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғаракларда, илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

8.1.3. Компетентли ёндашувни амалга ошириш ўқув жараёнида машғулотларнинг фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шакллари ўтказишни, ўқиётганларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, ўқиётган контингент хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

8.1.4. Талабалар ўқув юкмасининг максимал ҳажми таълим дастурига ОТМ томонидан қўшимча белгиланадиган танлов фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

8.1.5. ОТМ талабалар учун ўқиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишни инобатга олган ҳолда, шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга масъул.

8.1.6. Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништириш, талабалар учун танлов фан(модуль, курс)лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

8.1.7. Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

8.2. Таълим дастурларининг татбиқ этилиши

5510100 - Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги 5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлашнинг таълим дастури мазкур мутахассислик бўйича аккредитацияланган олий таълим муассасаларида ривожланаётган таълим технологияларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланиб тайёрлашда амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибор устувор бўлмоғи ва шароит яратилиши лозим.

Илмий-педагогик иши алоҳида ишлаб чиқилган амалиёт дастурлари асосида таълим муассасаларида, замонавий корхоналар, ташкилотлар ва ИТИларда ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўқиш даврида талаба фанлар (ёки фан) бўйича Давлат аттестациясини топширади ва магистрлик диссертация ишини ҳимоя қилади.

8.3. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар

Магистратура таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга, билимга, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар (магистр ёки дипломли мутахассис): фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Магистратура ўқув жараёнини ташкил этишда илмий-педагогик, илмий ёки илмий-услубий фаолият билан шуғулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Магистратура таълим дастурини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар ҳар 3 йилда малакаларини ошириб боришлари лозим.

8.4. Таълим жараёнини ўқув-услубий ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари

Таълим дастури, таълим дастурининг барча ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув-услубий ҳужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир талаба таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклландиган маълумотлар базаси ва АРМ фондидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак.

АРМнинг асосий фонди охириги 10 йилда (гуманитар, ижтимоий ва иқтисодий циклнинг базавий фанлари учун - охириги 5 йилда) чоп этилган ҳамма циклларнинг базавий қисми фанлари бўйича ўқув адабиётининг чоп этилган ёки электрон нашрлари билан таъминланган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари кўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМнинг АРМда мутахассислик ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув-услубий қўлланмалар (камида ҳар 2 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасидаги ва хорижий давлатлардаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан тезкор ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва қидирув тизимларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

5510100 - Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги 5A510101 – Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бўйича магистрларни тайёрлаш жараёнида асосан куйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш услубларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- ўқитишнинг интерфаол услуби;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- ўйинли технологиялар;
- танқидий фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик стратегиялари;
- шахсий йўналганлик асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқитишни дифференциациялаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси;

- дастурий ўқитиш технологияси;
- ўқитишнинг комплекс услублари (лойиҳавий услуб, тармоқли режалаштириш услуби, ақлий хужум, ассоциогаммалар услуби ва ҳ.к.).

8.5. Ўқув жараёнининг моддий-техник базаси бўйича талаблар

Магистр тайёрлашнинг таълим дастурини амалга оширувчи олий таълим муассасаси ўқув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, семинар, лаборатория машғулоти ҳамда курс иши (лойиҳаси), амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун санитария-гигиена, ёнғинга қарши қоидалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техник базасига эга бўлиши керак.

Магистратура таълим дастурини амалга ошириш учун ОТМнинг зарур бўлган минимал моддий-техник базаси:

- маъруза (оқим ёки гуруҳлар) аудиториялари;
- семинар ва амалий машғулоти учун аудиториялар;
- ўқув машғулотида кўргазмаларни материалларни намойиш қилиш учун турли хил аппаратуралар;
- амалий машғулоти ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари;
- интернет тармоғидан фойдаланиш учун глобал тармоққа уланган компьютер синфлари;
- семинар машғулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши лозим.

9. Магистр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

9.1. Магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

ички назорат ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

яқуний давлат назорати давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича яқуний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертацияси ҳимоясини ўз ичига олиб ўрнатилган тартибларда амалга оширилади;

давлат-жамоат назорати олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

ташқи назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ тартибга солинади.

9.3. ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши лозим.

9.4. Яқуний давлат аттестацияси магистрлик диссертациясининг ҳимоясини ўз ичига олади.

Магистрлик диссертациясининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2012 йил 29 октябрдаги

418-сонли буйруги билан тасдиқланган “Магистратура тўғрисида Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 18 декабрда 2405-рақам билан рўйхатдан ўтган) асосида белгиланади.

9.5. ОТМ:

- ушбу стандартдаги талабларга риоя қилиниши;
- профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;
- ҳар бир интеграллаштирилган курс фанларининг курс дастурида назарда тутилган ўқув-услубий адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;
- ўқув жараёнининг моддий-техникавий таъминланганлиги учун тўла масъулдир.

10. Эслатма

10.1. ОТМ га:

- ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкламасини оширмасдан ўқув материаллини ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўқув фанлари блоклари учун 5% оралиғида, блокга кирувчи ўқув фанлари учун 10% оралиғида ўзгартириш;
- ўқув фанлари мавзулари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

10.2. Курс ишлари (лойиҳалари) муайян ўқув фаолиятининг бир тури сифатида кўрилади ва ушбу ўқув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.

10.3. ДТСни билиш профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати

11.1. ДТС ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш муддати - камида 5 йил.

11.2. Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-қоидалар қабул қилинса ДТСнинг амал қилиш муддати ўзгариши мумкин.

ЎЗЎСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARIN
JORIY ETISH BOSHQARMASI

5510100 - Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги 5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги бўйича таълим дастурининг тузилиши

| T/p | Ўқув фанлари (курслар) ва илмий фаолият турларининг номи | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|-------------|--|------------------------------------|
| 1.00 | Умумметодологик фанлар | 528 |
| 1.01 | Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси | 58 |
| 1.02 | Илмий-тадқиқот методологияси | 88 |
| 1.03 | Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат фани | 58 |
| 1.04 | Амалий хорижий тил | 148 |
| 1.05 | Ахборот тизимлари | 60 |
| 1.06 | Нутқ маданияти | 58 |
| 1.07 | Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти | 58 |
| 2.00 | Мутахассислик фанлари | 1398 |
| 2.01 | Акушерлик | 840 |
| 2.02 | Гинекология | 558 |
| 3.00 | Танлов фанлари | 342 |
| 3.01 | Махсус фанларни ўқитиш услугиёти | 90 |
| 3.02 | Танлов фанлари | 252 |
| | ЖАМИ: | 2268 |
| 4.00 | Илмий фаолият | 4050 |
| 4.01 | Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш | 2835 |
| 4.02 | Илмий-педагогик иш | 567 |
| 4.03 | Малака амалиёти | 648 |
| | Ҳаммаси | 6318 |

Эслатма: Ушбу таълим дастурининг фанлар таркибига ва уларнинг умумий юкламалар ҳажмига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши мумкин.

ЎЗЎСТАНДАРЫ АГЕНТЛИРИ
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651. 7/1

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Далилларга асосланган тиббиёт, тадқиқот усуллари, аналитик тадқиқотлар, когорт, ходиса - назорат, рандомизация, нисбий хавф, шанслар нисбати, сифат, сифатни ошириш тамойиллари, концепциялари, менежмент, менежер, бошқарув, етакчилик, ташкилот, мотивация, нормал анатомия, патологик анатомия, оператив хирургия, топография, метаплазия, аутопсия, гистология, физик текширув усуллари, компьютер томография, ультратовуш текширув усуллари.

Акушерлик, гинекология, физиологик ҳомиладорлик, патологик ҳомиладорлик, нормал туғруқ, патологик туғруқ, перинатология, чилла даври, гипертензив синдромлар, асоратлар, йирингли септик касалликлар, кон кетишлар, жинсий аъзоларнинг ялигланмиш касалликлари, нейроэндокрин синдромлар, бепуштлик, демография, оналар ва перинатал ўлим, соғлиқни сақлаш, бошқариш, соғлиқни сақлаш муассасалари, турмуш тарзи, хавф омиллар.

ЎЗБЕКИСТОН АҲВАЛ
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
HAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта масус таълим вазирлиги хузуридаги
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази



Директор проф. Б.Х. Рахимов

2013 йил «23» декабрь

М.Ў.

Тошкент тиббиёт академияси




Ректор академик Ш.И.Каримов

2013 йил «20» декабрь

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги Илм-фан, ўқув
муассасалари ва ходимлар Бош бошқармаси



Бошлиғи проф. У.С.Исмаилов

2013 йил «23» декабрь

М.Ў.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти




Ректори проф. Б.Т.Даминов







2013 йил «23» декабрь

Ижодий гуруҳ раиси ва аъзолари

Ижодий гуруҳ раиси ва ўринбосари

| | | | |
|-------------------------------|-------------|------------------------------|---|
| Ижодий гуруҳ раиси | О.Р.Тешаев | Ўқув ишлари бўйича проректор | |
| Ижодий гуруҳ раиси ўринбосари | Х.С.Ахмедов | Кафедра мудири |  |

Ижодий гуруҳ аъзолари

| Т/р | Ўқув фанлари (курслар)нинг номи | Таянч ОТМдан | | Турдош ОТМдан | |
|-------------------------------------|---------------------------------|--|--|--|---|
| | | Ф.И.Ш., ловозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо | Ф.И.Ш., ловозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо |
| Мутахассислик фанлари бўйича | | | | | |
| 1 | Акушерлик | Ф.М. Аюпова ТТА Акушерлик ва гинекология кафедраси мудири, профессор |  | Ф.Д.Каримова ТошВМОИ Акушерлик ва гинекология, |  |
| | | Д.Д.Саиджалилова ТТА Акушерлик ва гинекология кафедраси доценти, магистратура директори |  | перинатология кафедраси мудири, профессор | |
| 2 | Гинекология | Ф.М. Аюпова ТТА Акушерлик ва гинекология кафедраси мудири, профессор |  | Г.З.Ешмоетова ТошВМОИ Акушерлик ва гинекология, |  |
| | | Д.Д.Саиджалилова ТТА Акушерлик ва гинекология кафедраси доценти, магистратура директори |  | перинатология кафедраси профессори | |



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Давлат тест марказида
экспертизадан ўтказилди



Директор [Signature] Б.М.Исмаилов

2014 йил «15» январ

Эксперт гуруҳи аъзолари:

| Ф.И.Ш. | Лавозими | Имзо |
|------------------|-----------------------------|-------------|
| Мешанова М. М | ДТМ бўлими Бўлим раҳбари | [Signature] |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

ЎЗБОТANBART АBЕНТЛІGІ
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ, ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ
ИНСТИТУТИ УСЛУБИЙ КЕНГАШЛАРИНИНГ КЕЛИШУВ
БАЁННОМАСИ №1

Тошкент ш

23.12.2013г.

Раис: Тешаев О.Р. - ТТА ўқув ишлари бўйича проректори
Котиба: доц.Одилбекова Д.Б.

ҚАТНАШДИЛАР

1. Тошкент педиатрия тиббиёт институти ўқув ишлари бўйича проректори профессор Искандаров А.И.
2. Тошкент педиатрия институти Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси мудир профессор Искандарова Ш.Т.

КУН ТАРТИБИ:

Янгиланган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига мувофиқ куйидаги магистратура мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини тасдиқлаш учун тавсия этиш:

1. 5A510101 - *Акушерлик ва гинекология*
2. 5A510102 - *Эндокринология*
3. 5A510103 - *Терапия (Ички касалликлар, Гематология ва трансфузиология, Реабилитология)*
4. 5A510104 - *Оториноларингология*
5. 5A510105 - *Кардиология*
6. 5A510106 - *Офтальмология*
7. 5A510107 - *Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича) (Болалар юқумли касалликлари, Фтизиатрия)*
8. 5A510108 - *Дерматовенерология*
9. 5A510109 - *Неврология*
10. 5A510110 - *Умумий онкология*
11. 5A510111 - *Психиатрия*
12. 5A510112 - *Хирургия (йўналишлар бўйича)*
13. 5A510113 - *Таъхиснинг инструментал ва функционал усуллари (Тиббий генетика, Тиббий биохимия, Бактериология ва вирусология, Клиник лаборатория таъхиси, Тиббий радиология)*
14. 5A510114 - *Нейрохирургия*
15. 5A510115 - *Соғлиқни сақлашни бошқариш (Жамоат соғлигини сақлаш ва соғлиқни сақлашни бошқариш, Хамширалик ишини ташкил этиш ва бошқариш)*

16. 5A510116-Тиббий психология
17. 5A510117 - Урология
18. 5A51118 –Морфология (Нормал ва патологик физиология Одам анатомияси ва гисталогия, цитология ва эмбриалогия)
19. 5A510119 - Наркология
20. 5A510120 - Анестезиология ва реанимация
21. 5A510121 - Травматология ва ортопедия
22. 5A510122 - Оилавий тиббиёт
23. 5A510123 - Суд тиббий экспертизаси
24. 5A510124- Патологик анатомия
25. 5A510125 - Шошилинч тиббий ёрдам
26. 5A510126-Фармакология
27. 5A510301 - Гигиена (Комунал гигиена, Меҳнат гигиенаси, Овқатланиш гигиенаси, Болалар ва ўсмирлар гигиенаси, Радиоцион гигиена, Умумий эпидемиология)
28. 5A510401 - Стоматология (Терапевтик стоматология, Хирургик стоматология, Ортопедик стоматология, Болалар стоматологияси, Юз-жағ хирургияси)

ЭШИТИЛДИ:

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан Тошкент тиббиёт академияси ўқув бўлими бошлиғи Ф.Х.Азизова ахбороти тингланди. О.Р. Тешаев тайёрланган давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришни йиғилганлар муҳокамасига қўйди.

Муҳокамада: Искандаров А.И., Тешаев О.Р., Искандарова Г.Т. ва бошқалар иштирок этди.

ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Турдош ОТМлари вакиллари хамда институт профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда Тошкент Тиббиёт Академиясида ташкил этилган Ижодий ишчи гуруҳлар томонидан қайта ишлаб 47 та магистратура мутахассисликларининг ДТСлари хамда ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли қарори меъёрлари ва Вазирлик томонидан тасдиқланган тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режаларининг лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМлари ва манфаатдор вазирликлар (идоралар) ва асосий иш берувчи корхоналар, Фанлар академиясининг тармоқ илмий тардиқикот институтларида экспертизадан ўтказилган (“Келишув баённомалари”, “Келишув далолатномалари” хамда

мутахассислар “Тақризлари” билан расмийлаштирилган ва ДТСларига илова этилган).

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва тақлифлар ДТС ва ўқув режаларининг охириги лойиҳаларини ишлаб чиқишда инобатга олинган.

4. Ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаши муҳокамасига тақдим этилсин.

Раис:

Тешаев О.Р

Котиба:

Одилбекова Д.Б.

Тошкент тиббиёт академияси магистратура таълим йўналишлари бўйича
ДТСларининг ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида
келишув

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

24.12.2013 ✓

Биз қуйида имзо қўювчилар - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи У.С.Исмаилов, ТТА ўқув ишлари бўйича проректор О.Р.Тешаевлар Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилган қуйидаги магистратура мутахасисликларининг ДТСлари мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

1. 5A510101 - Акушерлик ва гинекология
2. 5A510102 - Эндокринология
3. 5A510103 - Терапия (Ички касалликлар, Гематология ва трансфузиология, Реабилитология)
4. 5A510104 - Оториноларингология
5. 5A510105 - Кардиология
6. 5A510106 - Офтальмология
7. 5A510107 - Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича) (Болалар юқумли касалликлар, Фтизиатрия)
8. 5A510108 - Дерматовенерология
9. 5A510109 - Неврология
10. 5A510110 - Умумий онкология
11. 5A510111 - Психиатрия
12. 5A510112 - Хирургия (йўналишлар бўйича)
13. 5A510113 - Таъхиснинг инструментал ва функционал усуллари (Тиббий генетика, Тиббий биохимия, Бактериология ва вирусология, Клиник лаборатория таъхиси, Тиббий радиология)
14. 5A510114 - Нейрохирургия
15. 5A510115 - Соғлиқни сақлашни бошқариш (Жамоат соғлигини сақлаш ва соғлиқни сақлашни бошқариш, Хамширалик ишини ташкил этиш ва бошқариш)
16. 5A510116 - Тиббий психология
17. 5A510117 - Урология
18. 5A51118 - Морфология (Нормал ва патологик физиология Одам анатомияси ва гисталогия, цитология ва эмбриалогия)
19. 5A510119 - Наркология
20. 5A510120 - Анестезиология ва реанимация
21. 5A510121 - Травматология ва ортопедия
22. 5A510122 - Оилавий тиббиёт
23. 5A510123 - Суд тиббий экспертизаси

24. 5A510124- Паталогик анатомия
25. 5A510125 - Шошилиш тиббий ёрдам
26. 5A510126-Фармакология
27. 5A510301 - Гигиена (Комунал гигиена, Меҳнат гигиенаси, Овқатланиш гигиенаси, Болалар ва ўсмирлар гигиенаси, Радиоцион гигиена, Умумий эпидемиология)
28. 5A510401 - Стоматология (Терапевтик стоматология, Хирургик стоматология, Ортопедик стоматология, Болалар стоматологияси, Юз-жағ хирургияси)

Юқоридаги магистратура мутахассисликлари бўйича ДТС ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

ДТСларнинг қайта ишлаб чиқилишида: фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий, лаборатория машғулотларига ажиратилган юкламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатлари тўғри шакллантирилган.

Ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режаларни ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Фан ва ўқув юртлари Бош
бошқармаси бошлиғи



У.С.Исмаилов

ТГА ўқув ишлари бўйича
проректор



О.Р.Тешаев

Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган
Давлат таълим стандартларига

ТАҚРИЗ

Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан қўйилган магистратура мутахассислиги бўйича ДТС ва ўқув режалари ишлаб чиқилган.

1. *5A510101 – Акушерлик ва гинекология* Давлат стандарти:

- Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари:
- Қўлланилиш соҳаси:
- Мутахассисликнинг таснифи:
- Мутахассисликнинг умумий тавсифи:
- Мутахассислигининг касбий фаолиятлари тавсифи:
- Магистранинг тайёрланлик даражасига қўйиладиган талаблар:
- Магистратура таълим дастурларининг зарурий мазмуни ва компонентлари:
- Магистратуранинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар:
- Магистр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш:
- 1. Эслатма:
- Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати:
- Илова:
- Библиографик маълумотлар:
- Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари каби бўлимларни ўз ичига олади.


Ишлаб чиқилган ушбу Давлат таълим стандарти магистрларнинг тайёрланлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талабларни белгилайди. Магистрлар касбий фаолияти миллий дастурида белгиланган вазифаларни аке эгтириб, илмий ва илмий-тадқиқот фаолияти; даволаш-профилактика; тиббий-ижтимоий; танкилий-бошқарув фаолияти; меъёрний-методик; олий, маҳака ошириш, қайта тайёрлаш таълим муассасаларда илмий-педагогик, ўрта махсус ва касб-хунар таълим тизимида педагогик фаолияти каби таълим дастурларни ўзлаштирилиши талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрлашни кўзда tutати.

Магистрлик диссертациясига бўлган талаблар қайта кўрилади ва фан, таълим, технология ва иқтисодиётдаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда Давлат таълим стандартида илмий-тадқиқот фаолиятига янги талаблар белгиланди.

Хулоса килиб, Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режалар Вазирлар Маҳкамасининг №343 - сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 418-сонли буйруғи ("Магистратура тўғрисида Низом") билан тасдиқланган Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти "Асосий қоидалар" асосида ишлаб чиқилганлигини эътироф этган ҳолда, тасдиқлашга тавсия этилди.

Ўқув жараёнига педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар, таълим жараёнининг ўқув методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари киритилди.

Тошкент Тиббиёт Академияси
Акушерлик ва гинекология кафедраси
Профессори



Джаббарова Ю.К.



Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган

Давлат таълим стандартларига

ТАҚРИЗ

Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан куйидаги магистратура мутахассисликлари бўйича ДТС ва ўқув режалари ишлаб чиқилган:

1. 5510100 – Даволаш иши, 5A510101 – Акушерлик ва гинекология
2. 5510100 – Даволаш иши, 5A510101 – Акушерлик ва гинекология

Давлат стандартлари:

- Қўлланилиш соҳаси;
- Мутахассисликнинг таснифи;
- Мутахассисликнинг умумий тавсифи;
- Магистранинг тайёрганлик даражасига қўйиладиган талаблар;
- Мутахассислик фанлари блокнинг зарурий мазмуни ва компонентлари;
- Илова;
- Библиографик маълумотлари каби бўлимларни ўз ичига олади.

Ушбу ДТС магистрларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талабларни белгилайди. Мазмунан кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни ақс эттириб, умумий малакавий компетенциялар, даволаш-диагностик, тиббий-профилактика, илмий-тадқиқот, лойиҳавий, ташкилий-бошқариш фаолияти каби асосий таълим дастурлари ўзлаштирилиши натижаларига белгиланган талабларга жавоб берувчи кадрлар тайёрлашни кўзда тутди.


Хулоса килиб, Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режалар Вазирлар Маҳкамасининг №343, 199 сонли қарорлари билан тасдиқланган Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти “Асосий қондалар” асосида ишлаб чиқилганлигини эътироф этан ҳолда, тасдиқлашга тавсия этилди.

Ўқув жараёнига педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар, таълим жараёнининг ўқув методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари киритилди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти
“Акушерлик ва гинекология кафедраси”
мудир, проф., т.ф.д.



Курбанов Д.Д.



Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган
Давлат таълим стандартларига

ТАҚРИЗ

Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан қуйидаги магистратура мутахассислиги бўйича ДТС ва ўқув режалари ишлаб чиқилган.

5.A510101 – Акушерлик ва гинекология Давлат стандарти:

- Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари;
- Қўлланилиш соҳаси;
- Мутахассисликнинг таенифи;
- Мутахассисликнинг умумий тавсифи;
- Мутахассислигининг касбий фаолиятлари тавсифи;
- Магистраннинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар;
- Магистратура таълим дастурларининг зарурий мазмуни ва компонентлари;
- Магистратуранинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар;
- Магистр тайёргарлиги ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш;
- Ўсатма;
- Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати;
- Илова;
- Библиографик маълумотлар;
- Ишлаб чиқувчилар, келиштирилган асосий турдон олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари каби бўлимларни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқилган ушбу Давлат таълим стандарти магистрларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талабларни белгилайди. Магистрлар касбий фаолияти миллий дастурда белгиланган вазифаларни аке эгириб, илмий ва илмий-тадқиқот фаолияти; даволаш-профилактика; тиббий-ижтимоий; ташкилий-бошқарув фаолияти; меъёрий-методик; олий, малака ошириш, қайта тайёргарли таълим муассасаларда илмий-педагогик, ўрта махсус ва касб-хунар таълим тизимида педагогик фаолияти каби таълим дастурлари ўзлаштирилиши талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёргарлини кўзда tutади.

Ушбу Давлат стандарти янада кунрок амалий қуникмаларни ўз ичига олиб, хорижий таълим муассасалари талаб даражасига мос келади.

Магистрлик диссертациясига бўлган талаблар қайта кўрилди ва фан, таълим, технология ва иктисодиётдаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда Давлат таълим стандартида илмий-тадқиқот фаолиятига янги талаблар белгиланди.

Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режалар Вазирлар Маҳкамасининг №343 - сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 418-сонли буйруғи (“Магистратура тўғрисида Низом”) билан тасдиқланган Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти “Асосий қоидалар” асосида ишлаб чиқилганлигини эътироф этан ҳолда, тасдиқлашга тавсия этилди.

Ўқув жараёнига педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар, таълим жараёнининг ўқув методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари киритилди.

РИТИААваГМ

Директор ўринбосари.

к.м.н.



Handwritten signature

Нишанова Ф.П.

"TASDIQLAYMAN"
XODIMLAR BO'LIMI
BOSHLIG'I

Handwritten signature

РЕЦЕНЗИЯ

на Государственный образовательный стандарт,

разработанный профессорами-преподавателями Ташкентской медицинской академии по направлению магистратуры *5A510101 – Акушерство и гинекология*

Представленный на рецензию «Государственный образовательный стандарт по специальности «Акушерство и гинекология» составлен в соответствие с «Положением о магистратуре» и «Основными правилами» Государственного образовательного стандарта Министерства Высшего и среднего специального образования. Он включает следующие разделы:

- Основы разработки Государственных образовательных стандартов;
- Область применения;
- Характеристика специальности;
- Общее определение специальности;
- Определение профессиональной деятельности специальности;
- Требования к степени подготовленности магистров;
- Обязательные компоненты и суть образовательного стандарта ;
- Требования к условиям усвояемости образовательных стандартов магистратуры;
- Оценка качества подготовки магистров и деятельность ВУЗов;
- Памятка;
- Срок использования Государственного образовательного стандарта;
- Приложение;
- Библиографические сведения

Разработанный данный Государственный образовательный стандарт, обозначая функции национальной программы по профессиональной деятельности магистров, включает подготовку кадров, отвечающую к требованиям усвояемости учебных программ, таких как научно и научно-исследовательская деятельность; лечебно-профилактическая; медико-социальная; организационно-руководительская деятельность; нормотивно-методическая; научно-педагогическая деятельность в ВУЗах. Положительным фактом является включение пересмотренных новых требований к магистерским диссертациям с учетом современных достижений в науке методов исследований определены новые требования к научно-исследовательской деятельности Государственного стандарта.

В Государственный стандарт внесены требования о включении в учебный процесс новых обучающих технологии, с использованием учебно-методических материалов и электронных ресурсов.

ГОС и учебные планы разработаны профессорами-преподавателями Ташкентской медицинской академии . Замечаний и дополнений нет.

Рекомендую Государственный образовательный стандарт по направлению магистратуры *5A510101 – Акушерство и гинекология* утвердить.

Главный врач
6- акушерского комплекса
г. Ташкента,
д.м.н., профессор



Пахомова Ж.Е.

Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган
Давлат таълим стандартларига

ТАҚРИЗ

Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти магистрларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талабларни белгилайди. Давлат стандарти магистрлар касбий фаолияти миллий дастурида белгиланган вазифаларни ақс эттириб, илий ва илмий-тадқиқот фаолияти; даволаш-профилактика; тиббий-ижтимоий; ташкилий-бошқарув фаолияти; меъёрий-методик; олий, малака ошириш, қайта тайёрлаш таълим муассасаларда илмий-педагогик фаолияти каби таълим дастурлари ўзлаштирилиши талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрлашни кўзда тутади.

Ушбу Давлат таълим стандарти қуйидаги магистратура мутахассислиги бўйича ДТС ва ўқув режалари ишлаб чиқилган.

5A510101 – Акушерлик ва гинекология Давлат стандарти:

- Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари;
- Қўлланилиш соҳаси;
- Мутахассисликнинг таснифи;
- Мутахассисликнинг умумий тавсифи;
- Мутахассислигининг касбий фаолиятлари тавсифи;
- Магистранинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар;
- Магистратура таълим дастурларининг зарурий мазмуни ва компонентлари;
- Магистратуранинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар;
- Магистр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш;
- Эслатма;
- Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати;
- Илова;
- Библиографик маълумотлар;
- Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари каби бўлимларни ўз ичига олади.

Магистрлик диссертациясига бўлган талаблар қайта кўрилди ва фан, таълим, технология ва иктисодиётдаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда Давлат таълим стандартида илмий-тадқиқот фаолиятига янги талаблар белгиланди.

Хулоса килиб, Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режалар Вазирлар Маҳкамасининг №343 - сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 418-сонли буйруғи (“Магистратура тўғрисида Низом”) билан тасдиқланган Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти “Асосий қоидалар” асосида ишлаб чиқилганлигини эътироф этан ҳолда, тасдиқлашга тавсия этилди.

Ўқув жараёнига педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар, таълим жараёнининг ўқув методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари киритилди.

РПМ даволаш ишлари
бўйича директор ўринбосари,
к.м.н.



Бабаджанова Ш.Д.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича олий таълим йўналиши ва
мутахассисликларининг ўқув - услубий бирлашмаси мажлиси
Б А Ё Н И

Тошкент шаҳри

27.12.2013

Кун тартиби

Соғлиқни сақлаш соҳасига оид магистратура
мутахассисликларининг ДТСлари ва ўқув режаларини
муҳокамаси

Қатнашдилар :

Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича олий таълим йўналишлари
ва мутахассисликларининг ўқув-услубий бирлашма раиси
Б.Т.Даминов, Тошкент тиббиёт Академияси ўқув ишлари
бўйича проректори О.Р.Тешаев, Тошкент фармацевтика
инститuti ўқув ишлари бўйича проректори З.А.Юлдашев,
Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ўқув ишлари
бўйича проректори Искандаров А.И, Тошкент тиббиёт
академияси мутахассислик кафедралари мудирлари.

Кўрилаётган масала бўйича Тошкент тиббиёт академияси ўқув ишлари
бўйича проректори О.Р.Тешаев, қуйида ТТА профессор – ўқитувчилари
томонидан тайёрланган қуйидаги таълим йўналишлари бўйича магистратура
мутахассисликларининг ДТС ва ўқув режалари бўйича ахборот берди:

1. 5A510101 - *Акушерлик ва гинекология*
2. 5A510102 - *Эндокринология*
3. 5A510103 - *Терапия (Ички касалликлар, Гематология ва трансфузиология, Реабилитология)*
4. 5A510104 - *Оториноларингология*
5. 5A510105 - *Кардиология*
6. 5A510106 - *Офтальмология*
7. 5A510107 - *Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича) (Болалар юқумли касалликлар, Фтизиатрия)*
8. 5A510108 - *Дерматовенерология*
9. 5A510109 - *Неврология*
10. 5A510110 - *Умумий онкология*
11. 5A510111 - *Психиатрия*
12. 5A510112 - *Хирургия (йўналишлар бўйича)*
13. 5A510113 - *Таъхиснинг инструментал ва функционал усуллари (Тиббий генетика, Тиббий биохимия, Бактериология ва вирусология, Клиник лаборатория таъхиси, Тиббий радиология)*
14. 5A510114 - *Нейрохирургия*

15. 5A510115-Соглиқни сақлашни бошқариш (Жамоат соглигини сақлаш ва соглиқни сақлашни бошқариш, Хамширалик ишини ташкил этиш ва бошқариш)
16. 5A510116-Тиббий психология
17. 5A510117 - Урология
18. 5A51118 –Морфология (Нормал ва патологик физиологияОдам анатомияси ва гисталогия, цитология ва эмбриалогия)
19. 5A510119 - Наркология
20. 5A510120 - Анестезиология ва реанимация
21. 5A510121 - Травматология ва ортопедия
22. 5A510122 - Оилавий тиббиёт
23. 5A510123 - Суд тиббий экспертизаси
24. 5A510124- Паталогик анатомия
25. 5A510125 - Шошинч тиббий ёрдам
26. 5A510126-Фармакология
27. 5A510301 - Гигиена (Комунал гигиена, Меҳнат гигиенаси, Овқатланиш гигиенаси, Болалар ва ўсмирлар гигиенаси, Радиоцион гигиена, Умумий эпидемиология)
28. 5A510401 - Стоматалогия (Терапевтик стоматология, Хирургик стоматология, Ортопедик стоматология, Болалар стоматологияси, Юз-жағ хирургияси)

О.Р. Тешаев: Ушбу ДТСлар ва ўқув режалари янгиланган Классификатор асосида тайёрланган бўлиб, аввалгисидан фарқли равишда, ўқув жараёнига педогогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар, таълим жараёнининг ўқув методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари киритилганлиги ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, меъёрий ҳужжатларни Вазирлар Маҳкамасининг 343-сонли Қарорига мослиги ҳақида ўқув бўлими бошлиғи Ф.Х.Азизова ахборот берди.

Ф.Х.Азизова: Янгиланган ДТС ва ўқув режалар структурасида қуйидагича ўзгартиришлар киритилди:

-мутахасислик бўйича ўқув жараёни жадвалида “назарий ва амалий таълим” улуши қисқартирилди ва шунинг ҳисобига жорий аттестация киритилди;

-ихтисослик фанлари блокадаги фанларнинг кетма-кетлиги таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш нуқтаи – назаридан қайта кўриб чиқилди.

Шундай қилиб, янгидан ишлаб чиқилган ўқув режаларига Вазирлар Маҳкамасининг 343-сонли Қарори билан тасдиқланган Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти “Асосий қоидалар” доирасида ўзгартиришлар киритилди.

О.Р.Тешаев: Олий таълимнинг билим соҳалари бўйича ижодий ишчи гуруҳ раҳбари сифатида шуни айтмоқчиманки, Тошкент тиббиёт академияси

профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган магистратура мутахассислигининг Давлат таълим стандартилари “Ўзстандарт” агентлиги билан келишилган шакл асосида техник экспертизада ўтказилди ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига, стандартлаштириш Давлат тизими, ўлчов бирликларини таъминлаш Давлат тизими, сертификатлаштиришнинг миллий тизими, стандартлаштиришнинг тармоқлараро тизими тармоқларига мослиги аниқланди ҳамда “Ўзстандарт” агентлигида Давлат рўйхатидан ўтказишга тавсия этилди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Тошкент Тиббиёт Академияси томонидан қайта тайёрланган магистратура мутахассисликларининг ДТС ва ўқув режалари ЎзР ОЎМТВнинг 253 – сонли буйруғи асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилдаги 343-сонли, 2013 йил 10 июндаги 199-сонли қарори меъёрларига қатъий амал қилинган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирлик, идоралар ва Фанлар Академиясининг тармоқ ИТИларида экспертизадан ўтказилган.
2. Қайта ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режаларида турдош ОТМларининг таклиф ва эътирозлари инобатга олинган.
3. Ишлаб чиқилган ДТС ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига топширилсин.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича
олий таълим йўналишлари ва
мутахассисликларининг ўқув
услубий бирлашма раиси

Котиба



Б.Т.Даминов

З.К.Абдураззакова

**“Акушерлик ва гинекология” мутахассислиги бўйича магистратура давлат таълим стандартининг халқаро миқёсдаги
бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш
Магистратурада таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (магистратура) | Америка Қўшма Штатлари, Стэнфорд Университети | Испания, Гранада Университети (магистратура) | Жанубий Корея Республикаси, Сеул миллий Университети |
|----|---|--|---|---|---|
| 1. | Бошланиши | 7 йил бакалавриятдан сўнг | 1,5-2 йил бакалаврият ва 5 йил ординатурадан сўнг | 5 йил бакалавриятдан сўнг | 6 йил бакалавриятдан, 1 йил интернатурадан сўнг |
| 2. | Давомийлиги | 3 йил | 1 йил | 1-2 йил | 2 йил |
| 3. | Таълим оловчилар сони | 1-6 | 4 ва ундан ортиқ | 1-5 | 1-5 |
| 4. | Ўтиш жойлари | тиббиёт олийгоҳлари, республика даволаш-профилактика муассасалари. | Университет кампусида жойлашган тиббиёт факультетлари, асосий клиника ва унинг филиаллари. | Университет кампусида жойлашган тиббиёт факультети, Университет қошидаги даволаш муассасалари | Университетда жойлашган тиббиёт факультети, Университет қошидаги госпиталь |
| 5. | Таълим берувчилар | Тиббиёт олийгоҳидаги “Акушерлик ва гинекология” мутахассислиги бўйича магистратура дипломига эга профессор-ўқитувчилар, малака ошириш курсини тугатган олий маълумотга эга бўлган шифокор-ўқитувчилар, амалий кўникмаларни ўргатиш бўйича тренерлар. | Университетни тиббиёт факультетлари ўқитувчилари – акушер-гинекологлар, акушерлик ва перинатология амалиёт маркази мутахассислари, асосий клиника мутахассислари. | Университетни тиббиёт факультети ўқитувчилари – акушер-гинекологлар, Университет қошидаги даволаш муассасалари, акушерлик ва гинекология бўлимлари раҳбари, мутахассислари - акушер-гинекологлар. | Университетни тиббиёт факультети ўқитувчилари, Университет қошидаги госпиталь акушерлик ва гинекология бўлимлари раҳбари, мутахассислари - акушер-гинекологлар. |
| 6. | Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Магистратура бўлими- Акушерлик ва гинекология кафедраси мудир-магистратура директори-модератор (бевосита таълим берувчи ўқитувчи)-магистрант. | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Университет тиббиёт факультети - акушерлик ва гинекология бўлимлари раҳбарлари - ўқитувчи – тренер – магистр. | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Университет қошидаги даволаш муассасалари, акушерлик ва гинекология бўлимлари раҳбари (профессор) –ўқитувчилар - магистрантлар. | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: Университет тиббиёт факультети ўқитувчилари - акушерлик ва гинекология бўлимлари раҳбарлари – тренер – магистр. |

Магистратурада таълим жараёнининг таркиби

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси | Америка Қўшма Штатлари | Испания | Жанубий Корея Республикаси, |
|----|-----------------------|--|--|---|---|
| 1. | Назарий таълим | Асосий қисми семинар машғулотлари кўринишида асосий базада ва қисман амалиёт ўтилатган муассасаларда ўтказилади | Асосий қисми тиббиёт факультетида маъруза курслари ва кичик конференциялар кўринишида ўтказилади. | Асосий қисми тиббиёт факультетида маъруза курслари кўринишида ўтказилади. | Асосий қисми тиббиёт факультетида маъруза курслари ва кичик конференциялар кўринишида ўтказилади. |
| 2. | Амалий таълим | Ўқув дастурида кўрсатилган ротациялар кўринишида поликлиника ва стационар қабул бўлимида, тугрук бўлимларида, хомиладорлик патологияси, гинекология, реанимация, лаборатория ва функционал текширув бўлимларида амалга оширилади. | Ўқув дастурида кўрсатилган циклар кўринишида университетни асосий клиника ва унинг филиалларида акушерлик ва гинекология бўлимларида, амалга оширилади. | Университет қошидаги даволаш муассасалари, акушерлик ва гинекология бўлимларида, ўқув марказларида циклар кўринишида амалга оширилади. | Ўқув дастурида кўрсатилган ротациялар кўринишида университетни асосий клиникасида акушерлик ва гинекология бўлимларида, амалга оширилади. |
| 3. | Илмий тадқиқот ишлари | Магистратурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича диссертация ишини асосан даволаш-профилактика муассасалари шароитида амалга оширади. Кафедра ёки бошқа тиббиёт муассасалари профессор-ўқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар. Бундан ташқари магистрантлар таълим жараёнида педагогик иш билан машғул бўладилар. | Магистрлар ўқиш жараёнида илмий иш мавзуси кейинги босқичда докторлик илмий ишига асос сифатида танланади ва мустақил илмий изланиш кўринишида амалга оширилади. Магистратурада ўқиш жараёнида илмий раҳбар танланади. | Магистрлар мустақил илмий-иш мавзуси илмий проектлар таркибига киритилган бўлади ва университет ўқитувчи ёки бошқарувчи акушер-гинеколог раҳбарлик қилади. Илмий иш давомида магистрант йиллик хисобот топширади, конференцияларда иштирок қилиши ва илмий иш мавзуси бўйича журналга мақола ва тезис ёзиши мумкин. | Магистрлар ўқиш жараёнида илмий иш мавзуси танланади ва мустақил илмий изланиш кўринишида амалга оширилади. |

| | | | | | |
|----|--------------------------|--|--|--|--|
| 4. | Мустақил таълим | Магистрантлар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа тиббиёт муассасаларда яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, тиббий хужжатлар, кутубхона, интернет тармоғи, лаборатория, муляжлар ва бошқа асбоб-ускуналар) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин. | Магистрлар назарий билимларини кутубхона, интернет тармоғи, лабораториядан фойдаланган ҳолда оширишлари мумкин. Малакавий амалиётни акушерлик ва гинекология амалиёт марказларида мослаштирилган фантом, муляж ва бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин. | Магистрлар университет қошидаги акушерлик ва гинекология амалиёт бўлимларида мослаштирилган барча шарт-шароитлардан кенг фойдаланишлари мумкин. | Магистрлар назарий билимларини кутубхона, интернет тармоғи, лабораториядан фойдаланган ҳолда оширишлари мумкин. Амалиётни махсус марказларда фантом, муляж ва бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин. |
| 5. | Таълим жараёнида баҳолаш | Магистрантларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш магистратура рейтинг тизими асосида жорий, оралик, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади. | Магистрларнинг назарий билимлари тест саволлари орқали баҳоланади. Амалий кўникмалари ҳар ойда ва ярим йилликда цикл давомида кузатиш ҳамда мустақил намойиш этиш орқали баҳоланади. Якуний давлат имтиҳон ёзма тест кўринишида амалга оширилади. | Магистрларнинг назарий билимлари тест саволлари орқали баҳоланади., цикллар бўйича ҳар ярим йилда ёзма тест кўринишида амалга оширилади. Ўқув дастури сўнгида магистрлар мутахассислик бўйича барча назарий ва амалий билимларни ўз ичига олган ёзма имтиҳон топширадилар. | Магистрларнинг назарий билимлари тест саволлари орқали баҳоланади. Амалий кўникмалари ротация давомида кузатиш ҳамда мустақил намойиш этиш орқали баҳоланади. Якуний давлат имтиҳон ёзма тест кўринишида амалга оширилади. |

Магистратурада таълим жараёнининг мазмуни ва давомийлиги

| Ўзбекистон Республикаси | Муддати | Америка Қўшма Штатлари | Муддати | Испания | Муддати | Корея Республикаси | Муддати |
|-------------------------|---------|--|------------------------------|----------------|---------|-------------------------------|---------|
| 1. Акушерлик | 15 ой | 1. Ҳомиладорликда физиологик ва патологик жараёнлар | 2 ой | 1. Акушерлик | 9 ой | 1. Акушерлик ва перинаталогия | 10 ой |
| 2. Гинекология | 15 ой | 2. Туғруқ 3. Оператив акушерлик 4. Консерватив гинекология. 5. Оператив гинекология | 2 ой 3 ой 2 ой 3 ой | 2. Гинекология | 9 ой | 2. Гинекология | 10 ой |

Изоҳ: Акушерлик ва гинекология мутахассислиги доимо долзарб йўналиш бўлиб, нафақат Ўзбекистон Республикаси балки бошқа Европа, Америка, Осиё, СНГ давлатлари соғлиқни сақлаш тизимида ҳам доимий изланишни, таҳлил қилиш ва мукамаллаштиришни талаб қилмоқда. Юқоридаги маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, давлатимизда “Акушерлик ва гинекология” мутахассислиги давлат таълим стандарти жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошқа давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

**5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги бўйича
ишлаб чиқилган давлат таълим стандартининг ишлаб чиқилишига
тушунтириш хати**

5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қўйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланildi:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Давлат бошқарув соҳасида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4435-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 мартдаги “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 1942-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 341-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 199-сонли қарори.

13. РСТ Уз 1.1-92 ГСС Уз. Порядок разработки, согласования, утверждения и регистрации государственных стандартов Узбекистана.

14. O'z DSt 1.0:1998. Ўзбекистон Республикаси стандартлаш давлат тизими. Асосий қоидалар.

15. O'z DSt 1.9-95. Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги 281-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори”.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 29 октябрда тасдиқланган 418-сонли буйруғи (“Магистратура тўғрисида Низом”, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 18 декабрда 2405-рақам билан рўйхатдан ўтган).

18. ООО «SERT AKADEMIE»нинг ISO 9001:2008 Халқаро стандарти.

5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислигининг ДТС “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган Президент, ВМ қарор-фармонларини мукамал амалга оширилишига қаратилди.

5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислигининг 2010 йил тасдиқланган давлат таълим стандарти қайтадан кўриб чиқилди ҳамда камчиликлар инobatга олиниб қуйидаги бўлимларга ўзгартиришлар киритилди:

1. Қўлланиш соҳасининг мазмуни чуқурлаштирилди.

2. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар қайтадан кўриб чиқилди.

3. Магистрларнинг касбий фаолият соҳалари ва объектлари мутахассисликка мослаштирилди.

4. Магистр касбий фаолият турлари ҳамда вазифалари мутахассисликка мос равишда аниқ ва батафсил ёритилди.

5. Магистрнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар яъни умумий ва касбий талаблар йўналишга ҳамда замон талабларига мос равишда бўлиши таъминланди.

6. Мутахассислик фанларининг блокининг зарурий мазмуни ва компонентларида мутахассислик бўйича ўрганилиши зарур бўлган долзарб масалалар изчиллик билан кенг ёритилди.

7. Илмий фаолиятга бўлган талаблар яъни магистрларнинг илмий-тадқиқот иши, илмий-педагогик иши, малака амалиёти ҳамда магистрлик диссертациясига бўлган талабларюқори малакали мутахассис тайёрлашга қаратилди.

ДТС дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний кадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

ДТС асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу стандарт халқаро тажриба, техника, технологиялар, фан ривожланиши даражаси ва ютуқлари, иқтисодиёт устуворлиги шароитларида кадрларга нисбатан ишлаб чиқаришда, амалиётда қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда илмий асосланган.

5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислигининг давлат таълим стандартини қайта ишлаб чиқиш жараёнида ривожланган давлатлар яъни Америка Қўшма Штатлари, Англия ҳамда Эстония таълим дастурлари ўрганиб чиқилди. Солиштириш жараёнида ушбу давлатларнинг дастурларида келтирилган маълумотлар яъни ўқитилаётган фанлар, уларнинг мазмуни, соатлари давлат таълим стандартига мутахассисликка мос равишда киритилди.

Таълим турлари ва босқичлари бўйича мутахассислик стандартининг келишилганлиги ва изчиллиги, шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди.

Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш давомида **5510100 - Даволаш иши** (бакалавр) таълим йўналишида давлат таълим стандарти чуқур ўрганилди ҳамда ўқитилаётган фанлар кетма-кетлиги, мазмуни, давомийлиги, мутахассисликка мослаштирилиб, бакалавр ўқув жараёни билан узвий боғлиқлиги таъминланди.

Ўқув юкларини оддийдан мураккабга қараб тuzилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботи белгиланган меъёр-қоидаларга мослигига эришилди.

Стандартнинг технологиклиги - унинг бажарилишини назорат қилиш ва унинг меъёрлари ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, мутахассислик ДТСнинг ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги ДТСга тажрибада текширувдан ўтган таълим, ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

5A510101 – Акушерлик ва гинекология магистратура мутахассислиги давлат таълим стандарти Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини тўлиқ қониқтиради.

**Ўқув ишлари бўйича проректор,
профессор**



О.Р.Тешаев

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Давлат тест
маркази



The Republic of Uzbekistan
Cabinet of Ministers
State testing
center

100202, Тошкент шаҳри,
Богিশамол кўчаси, 12
телефон: 235-19-14
факс: 234-71-84

12, Bogishamol street
Tashkent, 100202
Uzbekistan
Tel. (371) 235-19-14
Fax. (371) 234-71-84

09.12.2014 № 14.01.6537

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълими вазири
Б.Ходиевга

Хурматли Баҳодир Юнусович,

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 9 ноябрдаги 84-02-1975-сонли хати билан тақдим этилган 6 та магистратура мутахассисликлари бўйича қайта ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди ва маъқулланди.

Бошқа магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартларини ушбу намуналар асосида қайта ишлаб экспертиза қилиш учун Давлат тест марказига киритишингизни сўраймиз.

Директор

Б.Исмаилов

Тошкент тиббиёт академияси
5A510101 – Акушерлик ва гинекология таълим йўналиши ДТС да кадрларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйилган талаблардаги янгиликлар

| Т/р | Амалдаги ДТС | Қайта ишлаб чиқилган ДТС |
|-----|---|--|
| 1. | Амалда белгиланган мезонлар асосида ишлаб чиқилган. | 5A510101 – Акушерлик ва гинекология йўналиши халқаро стандартларга мослаштирилди. |
| 2. | Халқаро акушер гинекологлар федерацияси (FIGO-Federation International Gynecology & Obstetrics) ва Жанубий Осиё акушер гинекологлар федерацияси (SAFOG- South Asian Federation Obstetrics & Gynecology) талабларига мослаштирилмаган эди. | Халқаро акушер гинекологлар федерацияси (FIGO-Federation International Gynecology & Obstetrics) ва Жанубий Осиё акушер гинекологлар федерацияси (SAFOG- South Asian Federation Obstetrics & Gynecology) талабларига мослаштирилди. |
| 3. | Умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича компетентлик талаблари берилган. | Компетентлик талаблари халқаро стандартларга яқинлаштирилган ҳолда умуммаданий ва касбий нуктаи назардан қайта кўриб чиқилди. |
| 4. | Касбий фаолият турлари ва соҳалари кенг ёритилмаган. | Битирувчиларнинг ихтисослик ва касбий фаолият турлари ва соҳалари қайта кўриб чиқилди. |

ТТА ДТС магистратурасида бакалаврият фанларининг самарасиз такрорланиши

| Т/р | Бакалаврият фани | Магистратура фани | Сунъий киритилган фанлар |
|-----|------------------|-------------------|--|
| 1. | Такрорланиш йўқ | Такрорланиш йўқ | Атамалар мутаносиб, сунъий киритилган фанлар йўқ |

5A510101 – Акушерлик ва гинекология таълим йўналиши ДТС да фанлар блоқи нисбатларининг меъёрларига амал қилиниши

| Т/р | Фанлар блоқи, % | Бакалавриятда, % | Магистратурада, % |
|-----|-----------------|------------------------------|-------------------------------------|
| | | 5510100 – Даволаш иши бўйича | 5A510101 – Акушерлик ва гинекология |
| 1. | 1-блок 23-25 | 10 | 64 |
| 2. | 2-блок 8-25 | 17,5 | 36 |
| 3. | 3-блок 35-50 | 48,8 | - |
| 4. | 4-блок 9-10 | 10,7 | - |
| 5. | 5-блок 5-7 | 5 | - |

Ўқитиладиган фанлар сони ва ҳажмининг тамойиллар талабига жавоб бериши

| Т/р | Фанлар сони (галаб бўйича) | Бакалавриятда | Магистратурада |
|-----|------------------------------|---------------|----------------|
| 1. | Бир семестрда 5-7 та фан | 7-11 | 1 |
| 2. | Бир ўқув йилида 10-14 та фан | 14-22 | 2 |
| 3. | Ўқув муддати 7 йил | 67 | - |
| 4. | 40 соатдан кам фанлар | 2 | - |

5A510101 – Акушерлик ва гинекология таълим йўналиши бўйича ДТС да амалий кўникмаларни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар

| Т/р | Амалдаги ДТС да | Тақомиллаштирилган ДТС (бак.) | Тақомиллаштирилган ДТС (маг.) |
|-----|-------------------------|-------------------------------|-------------------------------|
| 1. | Маъруза | | |
| | 1- блок 386 соат 21% | 280 (16,4%) | |
| | 2- блок 444 соат 17 % | 398 (13,4%) | йўқ |
| | 3- блок 945 соат 16,7 % | 1010 (12%) | - |
| | 4- блок 220 соат 7,2 % | 96 (5,3%) | - |
| | 5-блок | - | |
| 2. | Амалий машғулотлар | | |
| | 1- блок 514 соат 28% | 480 (28%) | |
| | 2- блок 883 соат 34% | 1202 (40,5%) | йўқ |
| | 3- блок 2843 соат 50% | 4112 (49,5%) | - |
| | 4- блок 2137 соат 62% | 1116 (61,4%) | - |
| | 5-блок | | |
| 3. | Семинар машғулотлар | | |
| | 1- блок 321 соат 17,5% | 280 (16,4%) | 672 (64%) |
| | 2- блок соат % - | - | 378 (36%) |
| | 3- блок соат % - | - | - |
| | 4- блок соат % - | - | - |
| | 5-блок – соат, -% | - | |
| 4. | Лабор. машғулотлари | | |
| | 1- блок соат % - | - | - |
| | 2- блок 467 соат 18% | 100 (3,4%) | - |
| | 3-блок - | - | - |
| | 4-блок - | - | - |
| | 5-блок, - | - | |
| 5. | Амалиёт 14 ҳафта | 22 | 8 ҳафта |
| 6. | Курс иши та | - | - |
| 7. | Курс лойихаси - та | - | |

5A510101 – Акушерлик ва гинекология таълим йўналиши бўйича ДТС да минтакавий
ОТМлар таклифининг инобатга олинганлиги

| Т/р | Минтакавий ОТМ номи | Берилган таклиф мазмуни | Инобатга олинган банди, бўлими |
|-----|---------------------|--|-----------------------------------|
| 1 | ТошПТИ | Амалий кўникмаларни хажмини ошириш ва акушер гинекологлар халқаро федерацияси талабларига мос келтириш таклифи берилди | Таклифлар инобатга олинди. |

Соғлиқни сақлашни бошқариш (жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш)
таълим йўналиши бўйича ДТС нинг иш берувчилар билан келишилганлиги

| Т/р | ДТС яратилган таянч ОТМ | Келишилган иш берувчилар корхона номи ва имзоланган раҳбар лавозими, фамилияси |
|-----|-------------------------|--|
| 1 | ТГА | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, турдош ОТМ лар |

ТАСДИҚЛАЙМАН:
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
биринчи ўринбосари, “Ўзлуксиз таълим
tizими стандартлари”ни стандартлаштириш
бўйича техник қўмита раиси

201 йил “ ” _____

О'z DSt ___:20___ “5A510101 – Акушерлик ва гинекология” магистратура
мутахасислигининг давлат таълим стандарти лойиҳасини “Ўзлуксиз таълим тизими
стандартлари”ни стандартлаштириш бўйича техник қўмитада экспертизадан
ўтказиш бўйича

Хулоса

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларининг 2012 йил 7 сентябрдаги “Ўзлуксиз таълим тизими стандартлари”ни стандартлаштириш бўйича техник қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги 387,10,266-сонли қўшма буйруғига асосан тайёрланган **О'z DSt ___:20___ “5A510101 – Акушерлик ва гинекология” магистратура мутахасислигининг давлат таълим стандарти лойиҳаси “Ўзстандарт” агентлиги билан келишилган шакл асосида техник экспертизадан ўтказилди.**

О'z DSt ___:20___ “5A510101 – Акушерлик ва гинекология” мутахасислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар” давлат таълим стандартининг лойиҳаси Республикадаги кадрлар тайёрловчилари ва истеъмолчилари билан ўзаро келишилган.


Техник экспертизадан ўтказилган **О'z DSt ___:20___ “5A510101 – Акушерлик ва гинекология” магистратура мутахасислигининг давлат таълим стандарти лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига, стандартлаштириш Давлат тизими, ўлчов бирликларини таъминлаш Давлат тизими, сертификатлаштиришнинг миллий тизими, стандартлаштиришнинг тармоқлараро тизими талабларига мос келади ва “Ўзстандарт” агентлигида Давлат рўйхатидан ўтказишга тавсия этилади.**

Техник қўмита раиси ўринбосари




З.Ахмедов

Техник қўмита масъул котиби



А.А.Ходжаев

Олий таълим стандартларини
стандартлаштириш бўйича кичик
қўмита котиби



А.А.Умаров

Ишчи гуруҳ:



Б.Атаниязов



О.Р.Тешаев



А. Искандаров